




# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil  
8-aprel  
chorshanba  
№ 14 (1492)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqarilgan \* www.uzhurriyat.uz \* @ hurriyatuz@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* f Hurriyat gazetasi

## ЭЗГУ ТАШАБУС



### ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

“Яшил макон” – мамлакат тақдирига дахлдор миллий ҳаракат

Бугун дунёнинг тараққиёт мезонлари жуда тез ўзгармоқда. Бир вақтлар ҳар битта давлат учун sanoat гигантлари юксалиш учун асосий кўрсаткич бўлган бўлса, ҳозир ахборотга эга бўлиш, рақамли оламни бошқаришдан ташқари, “яшил” ҳаётнинг асоси бўлган барқарор ривожланишга ўтиш энг муҳим масалалар қаторига қўшилди. Халқимизнинг эртанги куни, келажак ҳаётимиз қандай бўлиши бугун экологик масалаларни қанчалик муҳим ўринга қўйишимизга боғлиқлигини она табиатнинг ўзи бизга яққол намойён этмоқда.

Маълумки, ўтган ҳафта Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида иштирок этди. Давлат раҳбарининг ўзи

намуна бўлиб дарахт экиди, Миллий дендрология боғини барпо этишга start берди. Эътибор қилсак, олдинги йилларда ҳам мамлакатимиз раҳбарининг “Яшил макон” тадбирларида иштирок этиб, оқсоқоллар, ёшлар, умуман, турли соҳа вакиллари билан учрашиши, эзгу ниятлар билан кўчат экиши яхши анъанага айланган.

Бу бежиз эмас. Мамлакат ҳаёти, ўттиз саккиз миллион нафардан ортиқ халқ тақдирини учун юзлаб ўта муҳим масалалар мамлакат раҳбари олдида кўндаланг турган бир паллада дарахт экишга вақт ажратиши – бу кичкина масала эмас. Чунки бугунги табиий жараёнлар, иқлим ўзгаришлари, қаршимизда турган экологик хавф-хатарларга қарши ҳаракатни бугун бошламасак, эл-юрт соғлиғи, муссаффо ҳаводан нафас олиши учун бугун қайғурмасак, эртага кечикиб қолишимизни юрт раҳбари яхши билиб турибди. Демак, “Яшил

макон” – бу шунчаки дарахт экиш эмас, мамлакатнинг эртанги тақдирига дахлдор бўлган чинакам миллий ҳаракат, катта сиёсат.


Экологик хавф-хатарлар кўлами нақадар катта ва жиддий эканини биргина Тошкент шаҳри атмосфераси билан боғлиқ мурракб вазият мисолида кўрмоқдамиз. Нафас олаётган ҳавомиз зарарли кўрсаткичи бўйича бир неча бор халқаро рейтингларда юқори ўринларда қайд этилгани, очиги, ҳаммамизни хавотирлантириб қўйди. Тоза ҳавонинг қадри қанчалик муҳим эканига қайта-қайта амин бўлаёلمиз.

Биз яшаётган ҳудуд, иқлим шароитида, мамлакатимиз катта сув ва океанлардан узокда жойлашгани учун ҳам биз нафас олаётган ҳавони табиий тозалаб берувчи ягона нажоткор неъмат дарахтлардир.

3-6

## 9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Буюк туркий империяларнинг башарият ривожига кўрсатган улкан таъсири чексиз ва беқиёсдир. Туркий қавмлар умргузаронлик қилган ҳудудларда ўнлаб йирик империяларнинг вужудга келиши бу халқларнинг юксак давлатчилик маданиятидан далолат беради. У бир қанча халқлар ва маданиятларни бирлаштирган, улуг мерос ва анъана идеалларига суюнган, ижтимоий-маданий гоёларни яратган сиёсий уюшма сифатида вужудга келади. Бинобарин, туркийлар Евроосий халқлари маданияти ва қадриятларини уйғунлаштирган минтақавий этник бирлини юзага келтиради. Турон ана шу идеалларнинг тортишув майдонини ҳосил қилган етакчи марказ сифатида майдонга чиқади. У қадимий Турон давлатчилик маданиятини, унинг фалсафий таълимотларини ўзида мужассам этган қудратли империянинг тубдан янги намунасини вужудга келтиради.



## БУЮК ТАРИХ БУНЁДКОРИ

Халқимизнинг атоқли ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг: “Биз олим адиблар бу улкан тарихий воқеаларни ҳар томонлама тадқиқ этиш ва уларнинг ҳаққоний талқинларини яратиш йўлида ҳали кўп иш қилишимиз керак”, деган фикри буюк даҳонинг меросини ўрганиш, айниқса, ундан беҳисоб сабоқлар олиш билан юксалиш йўлларини излашда олдимизда ҳали-ҳамон ўз ечимини кутиб ётган катта юмушлар борлигидан далолат беради. Амир Темур бобомиз даврдан узоклашган сайин у қолдирган меросинг буюклигига тобора иқдор бўлиб бормоқдамиз.

Тарихда Амир Темур империясининг ташкил топиши, унинг ривожланиш асослари, юксалиш ва таназул сабаблари, аспиди, туркий халқларнинг кўп асрлик турмуш тарзининг тақдир-қисмати билан уйғун келади. Бу халқ ўз даврида кўлаб империяларнинг асосини сифатида башариятнинг янги тартиботларини вужудга келтиришга эришади.

2-6

## МУЛОҲАЗА



Китоб деганда кўз ўнгимизда бадиий, публицистик, илмий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа мавзулардаги асарлар намойён бўлади. Бир замонлар боболаримиз бежиз китобга “Қат-қат қатлама, ақлинг бўлса ташлама” деб таъриф бермаган. Китоб – бу мўъжиза. Олтин ердан, билим эса китоблардан қазиб олинади. Улар бизни ажиб-айбат, гаройиб оламлар билан таништиради.

Кейинги йилларда китобхонликка эътибор, ғамхўрлик давлат сиёсати даражасида қаралаётганини кутламоқ керак. Аммо китоб ўқишга бўлган қизиқиш, айниқса, ёшлар ўртасида сувайгани ҳам бор гап. Бу ҳолатга, минг афсуски, ўзимиз ҳам шоҳид бўлиб турибмиз. Фикримизча, бу қатор муаммолар билан боғлиқ. Кўпчилигимиз ижтимоий тармоқлардан кўз узопмай қолдик. Хўш, тўғрими бу? Албатта, йўқ! Интернет бизни эмас, биз уни бошқаришимиз керак. Ана шундагина унинг ўзимизга керакли бўлган материалларини ўқиймиз. Бу бизни интернетдан фойдаланиш маданиятига риоя қилишга ўргатиб-

гина қолмай, вақтни тежаш ва ўз соғлиғимизни асрашга ҳам ўргатади. Иккинчи бир муаммо – китоб нархининг баландлиги. Битта китобни 80-100 минг сўмга сотиб олиш талаба учун оғирроқ. Шу боисми, кўпчилик ёшлар қимматли вақтини гаджет ўйинларига сарфламоқда.

Тўғри, биз технологиялар шиддат билан ривожланаётган асрда яшаёلمиз. Бунинг устига, технологиялар бизга эмас, биз уларга қарам бўлиб қоляёмиз. Шунинг учун ҳам одамларга китобдан кўра турли гаджетлар, телефонлар ва компьютерлар қизиқроқ, қулайроқ туюлаётганга ўхшайди.

Айрим ёшлар, ҳатто катта ёшдагилар ҳам вақтини китоб ўқишдан кўра кўра қўлади. Мусиқа тинглайдилар, кино кўрадилар ва кўп вақтларини ижтимоий тармоқлардаги “Reels” (қисқа видеотасвир)ларни кўришга сарфлайди. Бу жуда ачинарли. Ахир китоб бизнинг ҳар томонлама ривожланишимиз, энг муҳими, билимли, кенг дунёқарашли, маънавиятли бўлишимиз учун жуда-жуда муҳим ва зарур.

3-6

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

### МАҲАЛЛА ВА ОАВ ҲАМКОРЛИГИ – ЯНГИ БОСҚИЧДА!



Ўтган ҳафта Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Шўхрат Орипов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув самимий ва ишчанлик руҳида ўтганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Қаҳрамон Қуронбоев аввало мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан маҳаллаларга кўрсатилаётган эътибор ва чексиз ғамхўрлик ҳақида сўз юритди. Янги Ўзбекистон маҳаллаларида рўйбга чиқарилаётган ўзгаришлар, йилдан-йилга чирой очаётган маҳаллалар ҳақида маълумот берди. Уз навбатида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига тайинланган Ш.Ориповни масъулиятли вазифа билан қутлади. Маҳаллаларда амалга оширилаётган ислохотларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш ҳамда ҳамкорлигини кучайтириш масалаларини юқори баҳолади. Хусусан, ҳамкорлиқнинг асосий йўналиш-

лари сифатида биргаликда медиатадбирлар ўтказиш, журналистлар ўртасида кўрик-танловлар эълон қилиш орқали илғор тажрибаларни оммалаштириш белгиланди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳар ойда ўн нафар фаол ижодкорларни оиласи билан дам олиши, соғлигини тиклаши учун бегараз кўмак бериш ташаббусини илгари сурди.

Узаро мулоқот чоғида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раҳбари Ш.Орипов Уюшма олдида турган муҳим вазифалар, келгусидаги режалар хусусида сўз юритди. Жумладан, мамлакатимиздаги 8992 та маҳалла ҳаётини, ютуқ ва муаммоларни ОАВ орқали тўлақонли ёритиш ҳамда ижодий ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди.

Мулоқот якунида томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

4-6

## МУТОЛАА

### “МАЙСАГА АҒАНАБ ЎҚИМОҚ КЕРАК”



Бундан уч йилча аввал курсдошим, таниқли шоира Кавсар Турдиеванинг ижодий кечаси муносабати билан бўлган учрашув кўни Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврондан: “Ака, одамларнинг том-том китоблари чиқяпти, сизнинг асарларингиздан дарак йўқ”, деб сўрагандим, жавоб жуда қисқа бўлди: — Топшириб қўйганман. Чиқиб қолар...

Хайрият, ўша кун келди. Қўлимда Хуршид аканинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилган “Танланган асарлар” тўплами. Сўзбошига қизқарди: Ўзбекининг катта олими, профессор Қозоқбой Йўлдош ва кизлари, таниқли олима Муҳайёхон Йўлдошевларнинг сўзбошисини ўқиган китобхон Хуршид Даврондай шоирнинг “шиддатли, жўшқин, ички куч ва туйғуга бой” асарлари билан танишишга, аввал ўқиган бўлса-да, қайтадан қўлига олмоққа шошилиб қолиши тайин. Китоб кўтарган одамни кўрсат, ажабландагидан замонга ҳам етиб келган бир пайтда шошилиб қоладиган ўқирманлар борлигидан хурсанд бўлиб кетишимиз аниқ. Бунинг сабаби битта: ота-бола олимлар таъкидлаганидек, бу ерда “эрк ва гурур куйичи” бўлмиш Хуршид Давроннинг кучи бор.

Тўғриси, аввалига бир ўқувчи сифатида Хуршид Даврондай забардаст адиб ижоди ҳақида фикр билдиришга менга йўл бўлсин, деган ўй-хаёлларга бордим. Бунинг устига, адабиётимизнинг ҳақиқий жонқуярлари, ўта билимдони, Қозоқбой акадек олимлари ўз баҳосини бериб, “Танланган асарлар” ҳақида атрофлича ёзиб қўйган бўлсалар. Лекин бир ҳолат далда берди. 1990 йили радиода “Оқшом тўлкинларида” ахборот-музика эшиттириши орқали асло чўчимасдан фикр билдириб юборганим ва ўша эфирда гапирганларимга аканинг самимий муносабати, ҳар гал учрашганимизда айтадиган гаплари, қолаверса, “Танланган асарлар”ни ўқиганимдан кейинги ҳаяжон ёзишга ундади.

5-6

1-6

Амир Темур яратган империя намунаси қадимий қадриятларга амал қилган, ўз даври таълимотларидан ўтиб келган юксак маданий феномен сифатида намён бўлди. Соҳибқирон ўз даврининг юксак ва бетакор тафаккур соҳиб сифатида башариятнинг маданий қиёфасини ўзгартиришга эришди. Улкан минтақа доирасида вуждга келган сиёсий ва маданий воқеалик моҳиятини англаш ва объектив хулосалар чиқариш бугун ҳам осон ва тўқис кечаётгани йўқ.

Албатта, тарихда мавҳум ҳодисалар ва тушунчалар бўлмади. Масала унга қай манфаатлар нуктаи назари билан қарашга боғлиқ. Тарих мантиқан ҳам, табиатан ҳам конкретлик воситасида идрок этилади ва у аниқ воқеалик орқали ўз мазмунини, фалсафасини, бошқача қилиб айтганда, ҳукмини кўрсатади. Ана шу жиҳатдан ҳам нимаки мавҳум бўлса ёки шу нуктаи назардан воқеа-ҳодисаларга ёндашсак, у тарих ҳақиқатига зиддир. Демак, биз конкрет воқеалар, ҳодисалар орқали уларнинг келиб чиқиш шариоти, сабаблари ва моҳияти хусусида фикр юритишимиз мумкин. Ана шундай ёндашув орқалигина конкрет воқеалик замирида ётган тафаккур, фалсафа, манфаат ва муносабатни тўғри англаб оламиз. Бинобарин, Амир Темур феноменини тўла-тўқис тушуниш ва англаб етиш учун фақат аниқ тарихий далилларни санаб ўтиш kifoya қилмайди. "Тарихий факт"лар деб аталувчи нарсалар, аслида, оддий, айни пайтда фақат мавжуд воқеаликнинг ташқи кўринишини ифода қилади, холос. Тарихий воқеаликлар даврининг мавжуд ҳолати ва жаҳон сиёсатининг ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ бўлган муайян халқ менталитети ёки ижтимоий тузилмаларнинг ўзаро таъсири инъикосидан ҳосил бўлади. Лекин тарихий ҳодисаларни у ёки бу даражада ҳаракатга келтирувчи куч инсон — шахсиятни ўз даври фондида, интилган манфаатлари доирасида таҳлил қилишга ундайди. Ана шунда унинг ўз даври ва башарият давлатига дахлдорлиги намён бўлади. Аниқроқ қилиб айтганда, Евроосиё худудини яхлит бир макон сифатида кўрган Амир Темур меросини турли мафқуравий ёндашувлардан ёхуд илоҳийлаштиришдан холи бўлган илмий жиҳатдан ўрганиш самарали натижаларни беради.

Ибн Халдул таълимотига кўра, илмий ҳақиқатга амал қилмаслик оқибатида тарофқашлик ва муайян нарсага майл кўрсатиш басират кўзига парда тутиб, таъқиқий баҳолаш имкониятини заифлаштириш ва изланишга ҳалақат беради. Натижада ёлғон маълумотлар қабул қилинади ва тарқатилади. Афсуски, турли измлар ва даврларда бобомиз мероси ана шундай қалтис сиёсатдан ўтиб келди ва биз бунинг гувоҳи бўлдик. Боз устига, воқеаларнинг асл мақсадларини билмаслик, кўпинча хабар етказувчилар кўрган ёки эшитган нарсаларнинг асл моҳиятини тушунамаслик, ўзларига хос тахминлар асосида уларни етказиш натижасида ёлғон маълумотлар пайдо бўлади.

Маълумотларнинг ҳақиқат эканига асоссиш ишончи хабар етказувчига нисбатан ишонч сабабли юзага чиқади. Хабарга қандайдир чалқашлик ёки сунъийлик аралашган бўлса ҳам, хабар етказувчи воқеаларни қандай кўрган бўлса, шундайлигича етказаверади. Бу хабарнинг ўзи сунъийлик аралашгани сабабидан, табиийлик, асл ҳақиқатни акс эттирмайди. Аксарият муаррихлар ўз даврида мартабали ва хурматли шахсларга яқинлашишга интилиб, уларни мақташлари ва уларга оид воқеаларни буртиришлари натижасида илмий ҳақиқатга зиён етказишган.

Инчунин, Соҳибқирон шахсига ва уни шакллантирган халқнинг миллий, диний қадриятларига, одамларнинг оруз-умидларига, ижтимоий вазият, шариот ва ҳукмдорни сиёсий саҳнага олиб келган омилиларга, жасорат ва бунёдкорлик билан йўрилган маънавий руҳиятига, миллий давлатчилик ривожининг юксалиш ва таназул сабабларини очувчи туркий халқлар фалсафий оламига кира олганимизча йўқ. Бу туйғайли узоқ ва яқин ўтмиш тарихимизда салбий таъсир кўрсатган ташқи ва ички омиллар бўлса, бошқа тарафдан, миллий тарихни ўрганишнинг фалсафаси ва унинг услубий тамойиллари ҳамон эскича сақланиб қолганлигидея. Ҳолбуки, бугун миллий юксалишнинг бирдан-бир омили сифатида давлатчилик тарихимиз билан боғлиқ бўлган меросимизни, унинг ач-

# БУЮК ТАРИХ БУНЁДЖОРИ

чик ва фожиали қисматини ҳамду санолардан холи бир бутун яхлитликда ўрганиш ҳамда ундан сабоқ чиқариш эҳтиёжи кун тартибидея турибди.

Халқнинг умумий маънавий даражасига, ақл-идроки ва тафаккур кўламига қараб мил-

кўрқинч орасида тутиб турдим. Фуқаро ва кўл остидагиларга раҳмдиллик қилдим, аскарларимга инъомлар улашдим. Золимдан мазлумнинг ҳаққини олдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин уни шариатга мувофиқ иккиси ўртасида муҳо-

Исониятнинг эзулиши ва ёвузлик ўртасидаги ахлоқий танлови шу сиёсатни ташкил этувчи ҳукмдорнинг ахлоқига боғлиқ келади. Ўз даврида Хусайн Воиз Кошифий "Халқнинг феъли подшоҳнинг феъл-атвори ва одатига тобеидир" ("Ан-насу ала дини мулуқийим"), яъни "Одамлар ўз подшоҳининг динида" бўлади. Демак, подшоҳ ҳар вақт тоат ва ибодатга мойил бўлса, халқ ҳам ўша ишга мойил бўлади, халқ ибодатининг баракоти подшоҳнинг давлатига давлат қўшади. Мамлакатларни забт этувчи подшоҳлар ва жаҳонга оро берувчи шаҳаншоҳлар адабга риоя қилсалар, халқ ҳам уларнинг изидан юриб, одоб йўлидан чиқмайди, дейди. Айнан шу каби қиёсий таҳлил кўзгусида Амир Темурнинг юксак маънавий олами намён бўлади ва янги авлод ўрганиши лозим бўлган сабоқлар ҳам шу меросда мўжассамдир.

Соҳибқирон Амир Темур фаолиятини ўрганиш орқали адолатли давлат сиёсатининг моҳиятини, унинг юксалиш ва таназзули билан боғлиқ воқеаликларни тарихий, ҳуқуқий ва бадий манбалар асосида изоҳлаб беришган. Бугун шубҳа қилмай айтишимиз мумкинки, бу борада салмоқли манба ва адабиётларга эгами. Бунда тарихчи ва адабпаримизнинг хизматлари катта. Буюк бобоқалонга юксак ҳурматни ўз вақтида И.Мўминов қаторида йирик олимлар А.Соғуний, У.Уватов, Б.Аҳмедов, А.Аҳмедов, А.Уринбоев, П.Қодиров, Мухаммад Али каби устозлар ҳам намён қилишган. Аслида, Амир Темур буткул қораланган совет мафқураси ҳукмдор жаҳиятда бу улуг зот тўғрисида ўзбек тилида биринчи чўқур илмий тадқиқот олиб борилган, бирламчи манбалар ўзбек тилига таржима этилган. Тажриба қилиниб, тақдим этилган бирламчи манбалар бугун барча олим уқиблар, тарихчи, сиёсатчи, файласуфлар учун улуг Шахс тарихини ва даврини ёритишга хизмат қилиб келмоқда.

Айниқса, мустақиллик йилларида Амир Темур фаолияти ва миллий давлатчилигимиз ривож билан боғлиқ кўплаб асарлар яратилди, қудратли давлатнинг тарихи, унга асос солган улуг бир сиймо ҳаётининг мураккаб ва шарафли зиддиятлари очиб берилди. Амир Темурнинг голибона юришлари ва саркардалик маҳорати тўғрисида объектив хулосалар чиқариш имкони яратилди. Аммо таъкидлаш лозимки, бу мавзуда эълон қилинган айрим адабиётларда кўпроқ хронологик баёнчилик, мавжуд маълумотларни такрорлаш, тарихий манбаларни бирёрлама тақлид этиш, саёз ва беўшлов оқшшлар, баъзида ривоятларни "ҳақиқат"га айлантиришга уринишлар ҳам учрайди. Бундан ташқари, айрим ғарб ва рус олимлари асарларида ҳамон сақланиб келаётган маломатлар ва камситишлар ҳам давом этиб келмоқда. Шунга қарамай, Л.Лангленнинг "Баъзи майда муаллифларнинг қора, ёлғон дафтарлари биз учун аҳамиятсиз, унинг номи миллати номига ўчмас ҳарфлар билан битилган. У ўз авлодига салтанат билан бирга уни бошқариш санъатини ҳам қолдирди", деган фикрлари тарихий ҳақиқатни ёпиб бўлмаслигини тасдиқлайди. Унинг фикри Амир Темурнинг жаҳон сиёсий тарихида ўчмас из қолдиргани, у майда маломат-бўхтонлардан анча устун тарихий шахс эканлигини тасдиқлаб турибди.

Амир Темур бобомиз меросини ўрганишнинг дастлабки босқичлари тарихий ҳақиқатни англаш даври бўлди. Инчунин, улуг империянинг вужудга келиш омилилари ва ундан сўнгги давлатчиликнинг таназзул даври босқичлари, мурасиси кечган ўзаро сиёсий иштилоқлар, мустақиллик домига тортилган, сўнгра қўлликка қўнчилан миллий руҳиятни ўрганишдан иборат бўлди. Чунончи, 150 йил мўғул истилоси

тарихий босқичлар қиёсан таққосланганда 130 йил (Русия босқинчилиги) мустамлакачилик асоратида қолган халқнинг қисматида фожиали сабаб ва оқибатларнинг ўхшаш ва такрор келган кўринишларига гувоҳ бўламиз. Бунда тарихий жараёнларда ўтмиш асоратлари янги замонга кўчиб ўтиши ва яшовчанлигининг давом этиши муайян қонуниятларга эга эканлигини ҳисобга олсак, яхлит ва бир бутунликда ўрганиш услубиятини таъбиқ этиш мўҳим эканлиги ойдинлашади. Бу қонуниятлар ижтимоий жараёнларнинг икки хил табиатини очиб беради. Тарих ўтмишининг барча барҳаёт қадриятларини, хоҳ у салбий ёхуд ижобий бўлсин, сақлаб, ҳозирги ва келажак замонга кўчириб ўтказиши. Фақат ўтмиш билан ворисийлиқни сақлаш, тарихий ҳақиқат ҳақида гапириш орқали ривожланиш ва янгиликни яратиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳар қандай ижтимоий-фалсафий ёки ғоявий-сиёсий конструкция шу қонуниятларга сўянса, ижтимоий объектив шариотни ифода этса, илмий ҳақиқатга хизмат қилади. Мана шундагина ноҳолис уйдирмаларга хизмат қилмаган эскича қарашларга зарба берилган бўлади, дейди Мухаммад Али.

Амир Темур фаолиятини у яшаган давр муҳити орқали идрок этиш ва вужудга келган ижтимоий омилиларни жаҳонда юз берган сиёсий вазиятлар билан омухта ҳолда, қиёсан ўрганишга қаратилган тадқиқотларни тақозо этади. Фақат биргина Турон тарихи доирасида ёхуд унинг ҳарбий юришлари тафсилотлари билан буюк саркарда ва давлат арбобининг сиёсат фалсафасини очиб бўлмайди. Боз устига, Амир Темур юришларини давлатлаштириш ва қандайдир босқичларга бўлиб таснифлаш оқилона ёндашув эмас, деб ҳисоблаймиз. У ҳеч қачон қайсидир давлатни атайин босиб олишни, ҳукмронлик қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Доимо сулҳ ва музокаралар унинг сиёсий воситалари бўлган. Шу сабабли деярли барча маҳв этилган давлатларни ўзларига ташлаб қайтган. Агар "Соҳибқирон қандай вазият ва шариотда сиёсий майдонга кириб келди?", "Уни мислсиз ва бешафқат урушлар гирдобига тортган ички ва халқаро муносабатларнинг манзараси қандай эди?" деган саволларга жавоб топсак, унинг Евроосиё минтақасида олиб борган геосиёсати халоскорлик миссиясидан иборат бўлганлигига шубҳа қолмайди.

Академик Акмал Саидов "Амир Темур ва теурилар даври умумбашарият тарихи нуктаи назаридан тадқиқ қилинмоғи лозим. Фақат шундангина бу улуг зотнинг исоният тарихида тугган ўрнини кўрсатиб бериш мумкин бўлади", деб билдирган фикрлари асослидир. Модомки шундай экан, миллий тарихимизни ўрганиш методологиясини ўзгартириш ва тадқиқот объектини кенгайтириш лозим. Тарихий манбалар фақат маълумот ва ахборот сифатида эмас, балки фанлараро услубларнинг тафтишидан ўтказиш орқали хулосалар чиқаришни талаб этади.

Тарихий жараёнлар тафсилотини ўрганишда эркин тафаккур мушоҳадасига қорлайдиган фан тарих фалсафасидир. Тарихий фалсафанинг миллати ва манфаати бўлмайди. У эркин фикр ва мушоҳада билан исоният тафаккурига мурожаат этади. У ҳар қандай қолиплардан ва чегараланган мафқуралардан устун келади. Миллий давлатчилик тарихи даври босқичларини, сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг тарихий ривожини таҳлил этишга, аънаванийлик ва замонавийлик тамойилларини уйғунлаштиришга қаратилган тарих фалсафаси, сиёсий фалсафа, сиёсий социология, сиёсий психология, сиёсий менежмент, тизимли таҳлил каби қатор фанларнинг мутаносиб дастурларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Буюк Турон империясининг тарихи миллий тафаккур фалсафасининг ифодасидир. Унда парвозлар қанчалик юксак бўлган бўлса, янғичи кулашлар ҳам шунчалик оғир кечган. Бугун биз бобомиз яратган миллий давлатчилик меросини ўрганиш ва сабоқ олиш асосида юксак парвозларга интилаётган руҳимизга малҳам топамиз, жасорат ва мардлик туйғуларимизни уйғотишга интиламиз, ўзлимизни англаш иродасига, ҳақиқат ва адолатни излаш иштиёқига эга бўлиб борамиз.

Тўлқин А.ШИМАРДОНОВ,  
сиёсий фанлар доктори,  
профессор.

лий тараққиётнинг ёхуд таназзулнинг мазмун-моҳияти очилади. Тарих эса ана шу ўта мураккаб, зиддиятли, айни пайтда ниҳоятда қудратли фаолият орқали хотирага ва келажак пойдеворига айланади. Миллат тарихи кўлдан-кўп ижтимоий-сиёсий ва маданий омилиларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилсагина холис натижаларни олиш мумкин бўлади.

Амир Темурнинг бир юз эллик йиллик туркмўғул ҳукмронлиги кўчманчи ва ўтроқ маданиятлар ўртасидаги тафовутни йўқ қилди, дашт ва унинг атрофидаги ўтроқ худуд ўртасидаги фарқ қисқарди. Шундай бўлса-да, иккала томон ҳам ўзига хослигини сақлаб қолиши асосида зиддиятлар ва курашлар бўлди, аммо умумий аънавалар ва таърибларни баҳам кўриш ва бир-бирларининг фаолиятини бойитиш, яъни икки маданиятнинг уйғунлашувида тубдан янги ижтимоий муносабатлар шаклланишига гувоҳ бўламиз. Америкалик олим Б.Манц фикрига кўра, унинг пайтда кўчманчилар ва ўтроқ одамлар бир-бирига ҳар қачонгидан ҳам яқинроқ ва тенроқ эдилар ва ҳар бири ўз шахсиятини ва маконини сақлаб қолишга, шу билан бирга, бошқасининг аънаваларини қисман тан олишга қараб келадилар. Айнан шу дунёни Амир Темур забт этади ва янги босқичга олиб чиқади.

Амир Темур қадимий туркий маданий меросни ҳукмдор шахс ахлоқи орқали жаҳият манфаатларини таъминловчи ва бирлаштирувчи омил сифатида кўрди ва давлатнинг уйғун тартиботларини вужудга келтирди. Давлат ва халқ бирлигига асосланган мафқура бунёдкорига айланади. Унинг Турон давлати ғояси "Темур тузуқлари"да етакчи мафқура даражасига кўтарилади. Унинг асосий тамойиллари куйидагича ифодаланади: "Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳақоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим. Сиёсат ва инсоф билан сипоҳларимни, раиятни умид ва

кама қилдим ва бир гуноҳорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм етказмадим". Мазкур қарашлар қадриятлар сифатида давлат ҳокимияти фалсафасига, адолатли давлат бошқаруви концепциясига айланади.

Соҳибқирон тузган давлатнинг империя шакли ҳокимият, ҳарбий хизмат, суд-ҳуқуқ, солик, молия, бож ва бошқа барча бошқарув тизимлари тартиб-тамоийиллари асосида ягона шахс иродасига бўйсундирилди. Бошқарув соҳаларининг ўзаро боғлиқ жиҳатлари "Темур тузуқлари"да ягона сиёсий таълимот сифатида шаклланади. У марказий ва маҳаллий бошқарув идораларининг ўзаро алоқдорлигини, мувоозанатини, назорат механизмининг таъминлашга қаратилган бир бутун яхлит тизимини вужудга келтиришга эришади. Империяда мансаб ва унвонларнинг тақсимооти, рибат ва жазолаш тартибларини ташкил этиш механизми, қатъий тартиб-интизом давлат тузилмасининг изчил ва самарали омилилари шу тизимга мос равишда ташкил этилади.

Соҳибқироннинг шахсий ахлоқий фазилатлари, ўз ҳокимиятини халқ ҳокимиятига айлантириш иродаси унинг юксак маънавий олами ифода этади. Зотан, давлат, жаҳият, шахс манфаатлари уйғунлиги фақат миллий-маънавий қадриятларнинг сиёсий устуворлигида таъминланади. Зеро, фақат сиёсат ва унинг ҳуқуқий амаллари қадриятларнинг ижтимоий аҳамиятини устувор қилишга қодир кўчди. Бундай уйғунлик йўқ экан, кучли давлат ҳокимиятини ифода этувчи мафқура ҳам, халқ манфаатлари яхлитлигини таъминловчи ғоялар ҳам вужудга келмайди. Ахлоқ бор жойда қонунга итоаткорлик ҳам, ҳурмат ҳам, пировардида эса ҳуқуқий маданиятни шакллантириш учун шариотлар ҳам юзага келади. Чунки ҳуқуқ ва ахлоқ ўзаро узвий боғлиқ ҳодисалардир. Тарихан эса ахлоқ ҳуқуқнинг ибтидосидир. Бошқача айтганда, ахлоқ ва ҳуқуқ инсон вужуди ва руҳиятининг уйғунлиги демакдир. Қудратли давлат ва шавкатли ҳукмдор тимсоли ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги билан юзага келади.

лари, қардош халқларнинг сеvimли тароналари жаранглаб, барчани шодон даврага чорлади.

Муסיқий дастурда ҳам бунёдкорлик ва яратувчанлик, исоний фазилатлар ва эзгу қадриятлар тараннум этилиб, мамлакатларимизда тинчлик ва фаровонлик барқарор бўлиши учун энг яхши тилаклар билдирилди.

Утган йилнинг 31 март куни — Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон чегарасида "Дўстлик стеласи" тантанали равишда очилган эди. Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон туманида жойлашган қардош халқлар рамзи ҳисобланган ушбу мажмуада бўлиб, унинг пойига гуллар қўйишди.

"Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон Дўстлик форуми" доирасида турли мавзуларда маънавий-маърифий учрашувлар ҳамда байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Форум иштирокчилари учун Фаргона шаҳридаги Қирғули мавзесида жойлашган "Дўстлик уйи" рўпарасидаги хиёбонда театрлаштирилган концерт дастури ташкил этилди. Қардош халқларга хос эзгу қадриятлар тараннум этилиб, миллатлараро дўстлик, тинчлик ва фаровонлик барқарор бўлиши учун энг яхши тилаклар билдирилди. Тадбир қатнашчилари "Дўстлик уйи"да турли миллат ва элатларнинг

хунармандчилиги, миллий таомлар ва либослар кўргазмаси ҳамда халқ амалий санъати намуналари билан танишдилар.

Айни пайтда бу ерда 8 та миллий маданий марказ — тожики, қирғиз, турк, корейс, немис, татар, славян ва яҳудий марказлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Юзма-юз мулоқотда ҳар бир марказ вакиллари ўз миллатига хос урф-одатлар ва қадимий аънаваларни бадийий чиқишлар орқали намойиш этишди.

"Дўстлик стеласи" — қардош мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик рамзи" мавзусидаги илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқаролик жаҳиятини ривожлантириш кўмитаси раиси Гулруҳ Аъзамова "Дўстлик стеласи" рамзининг ҳуқуқий асосларини яратиш зарурилигини таъкидлади. "Ўзбекистон — Озарбайжон" дўстлик жаҳияти ижрочи директори Эркин Нуриддинов, Қирғизистон Республикаси ўзбек миллий маданий маркази раиси Бахтиёр Қадиров, "Ўзбекистон — Қирғизистон" дўстлик жаҳияти фаоли Шаҳзода Садиқовалар сўзга чиқиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яхши қўшничилик сиёсати туйғайли қардош мамлакатлар ўрта-

✓ **МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР**

## ФАРГОНА ЗАМИНИДА ДЎСТЛИК ФОРУМИ

Қардошларнинг дўстлик анжуманларини ўтказиш аънавага айланган. Утган ҳафта **Осиё давлатлари ва Озарбайжон Дўстлик форуми** бўлиб ўтди.

Бундай форумлардан кўзланган асосий мақсад — халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Қардош халқларнинг бу каби самимий мулоқоти ўзаро ҳамжиҳатликни яхшилаш, маданий-маърифий соҳадаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Албатта, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва самарали ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда мазкур тадбирларнинг аҳамияти беқийс.

Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжондан ташриф буюрган меҳмонлар Фаргона халқаро аэропорти ҳамда Марғилон темир йўл вокзалида тантанали равишда кутиб олинди. Шаҳона қадриятларга кўра, иштирокчиларга меҳмондўстлик аънаваларига хос хурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Фаргона шаҳридаги Қирғули мавзесида жойлашган "Дўстлик уйи" рўпарасидаги файзли хиёбонда концерт дастури ташкил этилди. Унда миллий куй-қўшиқлар, эстрада оҳанг-



сидаги дўстлик алоқалари мисли кўрилмаган даражада юксалганлигини таъкидладилар.

— Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев тожики халқининг ҳам faxридир, — деди Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти ўзбеклар Маънавият-маърифат маркази раиси Илҳом Юсупов. — У чегаралардаги очилмас дарвозаларни ёпишмас дарвозаларга айлантирган давлат арбоби.

"Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон дўстлигининг янги даври" мавзусига бағишланган конференцияда Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Озарбайжондан ташриф буюрган олимлар, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар. Конференция иштирокчиларини Фаргона вилояти ҳокими, Олий Мажлиси сенати аъзоси Хайрулло Бозоров табрикляди.

Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар ма-

салапори бўйича кўмита раиси Қаҳрамон Сариев нутқ сўзлади.

Тадбир давомида бир гуруҳ фаолларга Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича кўмита томонидан "Халқлар дўстлиги" кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

Албатта, бундай эътибор ва рағбат янги-янги йутуқлар сари рағбатлантиради.

Илмий-амалий конференция дастурига кўра, турли соҳалар бўйича профессор-ўқитувчилар, олимларнинг ўзаро таъриба алмашши, илм-фан янгиликлари ва ҳамкорлик истиқболлари мавзусидаги қизгин суҳбатлар, алоҳида-алоҳида йигилишлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Мухаммад КЕНЖА,  
журналист.

# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

## “Яшил макон” – мамлакат тақдирига дахлдор миллий ҳаракат

1-6

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ўрта ёшли бир инсоннинг бир йилда 700-740 кг кислородга эҳтиёжи бор. Ҳозир атрофимизда ўсиб турган 10-12 метрлик яроқ баргли дарахтлар эса бир йилда ўртача 100 кг кислород ишлаб чиқаради. Демак, соғлом нафас олишимиз учун ҳар биримиз учун 10 метрдан кам бўлмаган камиди 7-8 та дарахт керак бўлади. Бошқача айтганда, бугун 38 миллион нафардан ошган аҳолимиз учун 260-300 млн туп, Тошкент шаҳри аҳолиси учун эса шаҳарда 20-28 млн туп 10 метрдан зиёд яроқ баргли дарахтлар мавжуд бўлиши керак.

Бугун кўп аҳоли яшайдиган шаҳарлардаги мавжуд дарахтлар нечталиги (қанчалик камлиги)ни ҳисобга олсак, вазият жиддий ва оғир экани аён бўлади. Чунки Ўзбекистон кам ўрмонли мамлакатлар сирасига киради. Мавжуд ўрмонларнинг ҳам 14 фоизи тоғда, 85 фоизи чўлда жойлашган. Шунинг учун ҳам айнан шаҳарлар атрофида “яшил белбоғлар” яратиш масаласи жуда муҳим ва долзарб ҳисобланади. Бунда ҳар битта дарахт шаҳар ҳавосини табиий равишда филтёрлаш, унинг муътадиллигини таъминлаш билан бир қаторда, одамларнинг иқтисодий-иқтисодий ҳаётига, турмуш тарзига сезиларли таъсир кўрсатади. Тоza ҳаво ортидан ўнлаб хасталиклар барҳам топади, даволашни муҳлатлари қисқаради. Ва ўз-ўзидан давлат учун иқтисодий юк енгиллашади, одамлардаги соғлом турмуш тарзи фаровонлик сари янги-янги имкониятлар яратади. Биргина дарахтни кўпайтириш шундай катта жараёнлар изга тушишига туртки беради.

Тошкент шаҳри яқинида барпо этилиши бошланган Миллий дендрология боғини олайлик. Умумий майдони 108 гектарга етадиган боғда 50 мингта дарахт, 100 мингта турли бута кўчатларини экиш бошланган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, яқин йилларда бу боғнинг ҳар бир гектари йилга ўртача 28 тонна чангни, РМ10, РМ2.5 зарраларини ютувчи улкан табиий филтёрга айланади.

Мана шунинг ўзи “Яшил макон” ҳаракати нафақат мамлакатимиз ҳаёти, балки ҳар биримизнинг эртанги кунимиз учун нақадар аҳамиятли эканидан далolat бермайдими?!

Эсимда, бундан беш йил илгари ушбу лойиҳага старт берилиши арафасида Президентимиз кўн-чаклик билан бир фикрни алоҳида таъкидлаган эди: “Ҳаммангиз яши биласиз, халқимиз азалдан табиатни муқаддас деб билган. Тупроқни, сувни, ҳавони, оstonасини пок сақлашга интиланган. Халқимизда “Бирни кессанг, ўрни эк” деган доно мақол ҳам бежиз айтилмаган.

Оилада янги фарзанд дунёга келса, унга атаб ниҳол экилган. Афсуски, мана шу эзгу одатлар бугун деярли йўқолиб кетди.

Бугун дунё миқёсида техника ва технология, санoат юқори даражада ривожланган XXI асрда экология билан боғлиқ муаммолар биринчи даражали муаммо сифатида кун тартибига чиқаётгани бежиз эмас.

Биз бу масалада фақат бугунни эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш тутмасак, кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз”.

Дарҳақиқат, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, айниқса, дарахт экишга қаратилган умуммиллий лойиҳани амалга ошириш масаласи давлат сиёсати даражасида кун тартибига кўйилган – она табиатнинг, экологик вазиятнинг талаби. Айтиш жоизки, бугун дунёда экологик муаммоларга мана шундай тизимли ва самара берувчи ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Экологик масалаларга бу қадар катта аҳамият қаратилиб, мана шундай умуммиллий лойиҳа ўтказилиши эса Ўзбекистон таърибасида шу пайтга қадар кузатилмаган. Шу жиҳатдан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси Ўзбекистон шароитида шу пайтга қадар экология соҳасида амалга оширилган ишлардан ўринли хулоса чиқарган ҳолда, масала-



нинг барча тарафларини атрофлича инobatга олиб, келажакни кўзлаб ишлаб чиқилган ноёб тажриба сифатида халқро даржада эътироф этиляпти.

Энг муҳими, бу хайрли ишлар фақат Тошкент шаҳри ва унинг атрофи билан чекланиб қолаётгани йўқ. Сурхондарёда 10 минг гектарда “яшил макон”, Сирдарёда 84 километрик “яшил девор” барпо этиш ишлари ҳам бошланди. Қорақалпоғистонда 1 миллион гектар, Навоий ва Бухорода 300 минг гектардан, Хоразмда 85 минг гектар чўл ҳудудида янги ўрмонзорлар яратилди. Президентимиз бошчилигида дарахт экиш акцияси бошланган куннинг ўзида 21 мингта яқин юртошимиз 164 гектар майдонда 88 минг туп кўчат ўтказди.

Сўнгги йилларда қуриган Орол денгизи ўрнини яшил масканга айлантириш борасида қилинган бекиёс ишларни олайлик. Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларида 2018-2021 йилларда жами 1,6 млн гектар майдонда “яшил қопламалар” барпо этилди. Мутахассисларнинг айтишича, экилганга 3 йил бўлган ўсимликларнинг бўйи 2 метрдан ошган ҳақда чанг ва кўннинг ҳавога кўтарилишини тўхтатиши бошлаган. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида эса 2026 йил якунига қадар яшил қопламаларнинг умумий ҳажмининг 2,5 миллион гектарга ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказиш назарда тутилмоқда.

Оролқумдан кўтарилган қум ва туз зарралари бутун минтақага фожиали таъсир кўрсатаётган бир паллада мана шундай катта ҳажмдаги ишларнинг бошланиши, бундай экологик бўҳронларга ечим ҳам табиат билан тиллашиш, яшилликни кўпайтириш орқали эришилаётгани энг муносиб иш бўлди. Яна бир қувонарли жиҳати, Оролқумда ўсимликларни экиш янги ўрмон экотизимларини яратмоқда. Ҳозир бўй чўзиб қолган яшил қопламалар, бутазорлар орасида кўёнлар, тулкилар, қирғовуллар пайдо бўлган. Демак, бу ерда аста-секинлик билан табиат мувозанати тикланмоқда.

Мана шундай кенг қамровли ишлар она табиат мувозанатини тиклаш, юртинг эртанги кунига бефарқ бўлмаслик йўлида бошланган катта қадам эмасми?!

Дарахт экиш – хайрли ишнинг бошланиши сари илк одим бўлса, уни парваришлаб кўқартириш, ўзини тугиб кетгунига қадар суви-у озуқасидан хабар олиш энг катта масъулиятли ишдир. Бир вақтлар номига дарахт экилиб, ҳар мавсум охирида улардан қуриган чўп қолиши ҳолатларини ҳам кўрганмиз. Асосан, ҳисоботларни тўлдириш учун ўша

вақтда экилган кўчатларнинг ярми дарахт бўлиб кетганида ҳам ҳозир ўрмонлар ичида яшаётган бўлармиди... Энг ачинарлиси, нафақат кўчат экиб, уни парваришлашга, балки ота-боболаримиз экиб кетган катта-катта дарахтлар тақдирига бефарқ бўлганимиз, уларни асрай олмаганимиз учун ҳам табиатнинг кетма-кет аччиқ синовларига дуч келаётган бўлсак, ажаб эмас.

Давлатимиз раҳбарининг “Ҳаммангиз ҳам кўлидан иқтисод келмайди, ҳаммангиз кўлидан инвестиция олиб келиш келмайди. Лекин экологик вазиятга, ўзимизнинг туманимиз, ўзимизнинг маҳалламизга эътибор берсак бўлади-ку. Олдин кўчатимиз ҳам йўқ эди, ҳозир кўчатимиз ҳам бор”, деган сўзлари ҳар биримизнинг юрак-юрагимизда ўтиб туриши, битта бўлса ҳам кўчат экиб парваришлашга даъват этиб туриши керак, назаримда.

Бугун “Яшил макон” доирасида экилаётган ҳар бир кўчат парвариши учун масъул бириктирилган, ҳар битта дарахт вояга етгунига қадар ғамхўрлик қилувчи эгаси тайин. Лекин шу билан бирга, ёзинг жазирасида сувсизликдан қовжираш арафасида турган кўчатга ярим чепак сув қўйиб қўйишга ўзимизни бурчли деб билсак, ҳар битта дарахтга бутун халқнинг, жамиятнинг мулки, табиатнинг азиз неъмат сифатида қарасак, ҳаммаси бутунлай бошқача тус олиши аниқ. Бизнинг шу биргина ҳаракатимиз билан табиатнинг олтин мувозанати тикланиши сезиларли тарзда тезлашади. Келажак авлодлар олдига юзимиз ёруғ бўлади.

Халқимизда “Яхшидан боғ қолади”, “Бир кўчат эксанг – минг барака”, “Фарзанд кўрсанг, тўй қилсанг, дарахт эк” деган теран маъноли ҳикमतлар бежиз айтилмаган. Бу асрлар давомида аждодларимизнинг ҳаёт тутумидир.

Ота-боболаримиздан бизга қолдирилган миллионлаб дарахтлар мисолида ҳам ана шу теран фалсафанинг ҳаётий ифодасини кўришимиз мумкин. Энди эса навбат бизга. Бир донга бўлса ҳам кўчат экиб, шу олтин силсилани давом эттирамизми ёки эртанги кунга оғир экологик муаммоларни мерос қилиб қолдирамизми – ҳаммаси ўзимизнинг кўлимизда.

“Яшил макон” яратиш инсоний бурч ва келажак олдидagi масъулиятдир. Умуммиллий ҳаракат эса улкан имкониятлар ашигини очмоқда, хайрли ишлар сари бизни чорламоқда.

Хуснидин БЕРДИЕВ,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



## ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ БИЛАН

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш борасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларда дендрология боғларини ташкил этиш гоёси экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган.

Албатта, булар натижасида шаҳарларда “яшил бўғ”лар пайдо бўлади, чўлланиш ва тупроқ эрозиясининг олди олинади, биохилма-хиллик сақланади, келажак авлод учун соғлом табиий муҳит яратилади.

Тўғри, сўнгги йилларда миллионлаб кўчатлар экиш ишлари амалга оширилди, ҳудудларда янги боғ ва яшил ҳудудлар ташкил этилди, давлат ва жамоатчилик ҳамкорлиги кучайтирилди.

Жумладан, биз яшаётган Урганч шаҳрини боғловчи ҳалқа йўли бўйида “Касаба уюшмаси боғи”нинг барпо этилиши аниқ мудоао бўлди. Бугун мазкур хиёбон аҳолининг барча қатлами — ёшу қари учун сўлим ва гўзал бир масканга айланди.

Энг муҳими, воҳамиз иқлим шароитида шаҳар ва қишлоқлар кўчалари, майдон ва хиёбонлари бўйлаб экилган дов-дарахтларни, яшилликларни парвариш қилиш ва ёзининг иссиқ кунларида қуриб қолмаслиги учун астойдил ҳаракат қилиш зарур.

Қисқача айтганда, ҳудудларда дендрология боғларини барпо этиш ташаббуси “Яшил макон” лойиҳасининг муҳим қисми бўлиб, у нафақат табиатни муҳофаза қилиш, балки аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Мен ҳам бу ҳаракатга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Муъжазгина боғимиз бор. Унда йигирмадан ортиқ мевали дарахтлар ва буталар, ўндан зиёд турли гулларни экиб, парвариш қиляман. Зеро, барча инсонлар бу умуммиллий ҳаракатга “лаббай” дея жавоб бериши зарур.

Давлатимиз раҳбарининг кўчат экиш шахсий ташаббуси юртимизда экологик маданиятни юксалтириш,

шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод ва кўркам қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлди ва барчани бирдек руҳлантирди.

Президентимизнинг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирлари иштирок этиши барча даражадаги инсонларга куч-қувват бағишлади ва ҳаммани, шак-шубҳасиз, шу она табиатга дахлдорлик туйғуси билан яшашга даъват қилди. Зеро, бу каби тадбирлар нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилишга хизмат қилади, балки аҳоли, айниқса, ёш авлод қалбида табиатга меҳр ва масъулият туйғусини шакллантиради.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси тадбирлари давомида турли хил манзарали ва мевали дарахтлар ўтказилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз инфратузилмасига янги нафас бахш этилмоқда. Яшил ҳудудларнинг кенгайиши ҳавонинг тозаланишига, иқлимнинг юмшашига ҳамда инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бундай ташаббуслар жамоатчиликни бирлаштириб, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлайди.

Бугун мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган хайрли ва эзгу тадбирлардан руҳланган ҳолда, ҳар бир фуқаро ўз ҳудудда дарахт экиш, уларни парвариш қилиш орқали табиатга ўз ҳиссасини қўйиши жуда муҳимдир. Негаки, келажак авлод учун соғлом ва гўзал муҳит яратиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Шу жиҳатдан кўчат экиш ташаббуси юртимизда экологик барқарорликни таъминлашда, яшил маконларни кўпайтириш ва халқ фаровонлигини оширишда, саодатли кунларни, гўзал ва мусоффо муҳитни яратишда катта аҳамиятга эгадир.

Бу эзгу ва хайрли ишлар бардавом бўлсин. Жамоамиз — ҳар биримиз қалбларда дахлдорлик туйғусини мустаҳкам жойлаб, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида шубҳасиз хизмат қиладиган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси тадбирларидан фойда шитирок этамиз, ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Дилшад БЕКЧАНОВА,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раиси.

## ХОТИРА КЕЧАСИ



## Устоз ижодкор хотирланди

Куни кеча Гулистон шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими ҳамда Гулистон давлат педагогика институти ҳамкорлигида атоқли шоир, таржоман ва жамоат арбоби Саъдулла Ҳаким таваллудининг 75 йиллигига бағишланган “Сўз дехқони эди...” номли хотира кечаси бўлиб ўтди.

Кечада Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раҳбари Шухрат Орипов, “Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири Феруза Адилова, “Ғунча” журнали бош муҳаррири Дилфуза Шомалиқова, суд-тиббий эксперти, “Заковат” гуруҳининг билимдони Бобур Ёқубов, устознинг шоғирдлари, оила аъзолари, олимлар, атоқли ижодкорлар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.

Унда устознинг бой ижодий мероси, журналистика ва адабиётимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси

алоҳида эътироф этилиб, сўзга чиққанлар томонидан ёдга олинди.

Тадбир давомида Саъдулла Ҳакимнинг яқин дўсти, Аҳмад Яссавий муқофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Холхўжаев томонидан шоирнинг шеърлари ассосида яратилган кўшиқлар ижро этилди. Талабалар томонидан сахна кўринишлари намойиш этилиб, шоир ижодидан намуналар ўқилди.

Саъдулла Ҳаким 2016-2020 йиллар давомида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси сифатида фаолият юритиб, журналистларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш раҳбарлиги қилган.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан Саъдулла Ҳаким таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар бошқа ҳудудларда ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Ўз муҳбиримиз.

# КИТОБ КЎП, АММО...

1-6

Бугун дунё адабиётига дахлдор Юй Хуаннинг “Яшмоқ” асари, Фотиҳ Думаннинг “Мен” китоби, Кнут Ҳамсуннинг “Очлик” романи каби асарларни аксарият ёшлар умуман эшитмаган, десак, хато бўлмас керак. Айтишларича, “Яшмоқ” асарини бир кунда 10-15 китобхон харид қилаётган экан. Кузатишларимиздан маълум бўлдики, бу асарни 20 дан 30 ёшгача бўлган китобхонлар қизиқиб ўқияпти, аммо ўттиз ёшдан ошганларда асар яхши таассурот қолдирмаган.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулום, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Улмас Умарбеков, Одил Ёқубов, Уткир Хошимов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Эркин Аъзам, Хайридин Султон каби бир қатор ёзувчиларнинг асарлари китобхонларнинг доимий эътиборида эканлиги билан ажралиб турганлиги эса гоё кувончли. Шу мавзуда суҳбатлашув учун китоб сотувчилар билан мулоқот қилдик.

— Айтинг-чи, бугун чоп этилаётган китобларга яраша уларни харид қилиб, ўқийдиган ашаддий китобхонлар кўпми?

— Ҳа, китобхонлар бор, бироқ камроқ. Ҳозирда кўплаб китобхонлар ўзлари билмаган ва тушуна олмаётган китобларни харид қилиб, ундан тезда зеркиб қолишяпти. Шунинг учун ҳам харид қилинган китобни сўнгигача ўқима ташлаб қўймоқдалар. Оқибатда китобга бўлган қизиқиш янада пасайиб бормоқда...

Бундан шундай фикрга келиш мумкинки,

китоб харид қилишда унинг мазмун-моҳиятига қараб харид қилган маъқул. Аксинча, ўқиб тушунмай, тахлил қила олмаган китобларимиз бизга зерикарли туюлади. Таъкидлаш жоизки, дунё адабиётидан таржима қилинаётган айрим асарларнинг тўғри ва мантуқли таржима қилинмаётганини кўришимиз мумкин. Китобни таржима қилган таржимонга ҳам жуда кўп нарса боғлиқ. Асарни қандай бўлса шундайлигича таржима қилиш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Таржимон муаллиф бизга нима демоқчи эканлигини тўлиқ етказиб бера олиши лозим. Ҳозир ёшлар орасида қандай асарларга эҳтиёж катта ва улар қандай китобларни севиб ўқимоқдалар? Бунми ўрганиш учун Юнусобод тумани “Келажак” марказининг тўғарақ аъзолари (12-18 ёшдаги ўқувчилар) орасида кичик бир сўровнома ўтказдик. Сўровнома натижасида маълум бўлдики, 15 нафар ўқувчидан бор-йўғи 6 нафар ўқувчигина китоб мутолаа қилаётган экан. Жумладан, Ғафур Ғулוםнинг “Шум бола” асари, жаҳон бола-лар адабиётидан “Қора холли кўзи” ҳикояси, Япон халқ эртақларидан “Уч хазина”, Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” асари, Абдулла Қаҳҳорнинг “Минг бир жон” ҳикояси, дунё болалар адабиётидан Иван Криловнинг “Оқ қуш, чўртанбалик ва қисқичбақа” масали ёш китобхонларни ўзига жалб қилган.

Хўш, нима қилмоқ керак? Бизнингча:

— ўқиш маданиятини, яъни маҳалла, мактаб ва университетларда китобхонлик

тўғарақларини кенг оммалаштириш; — китоб муҳокамалари учун муаллифлар билан учрашувлар ва адабий тадбирларни кўпайтириш;

— кутубхоналар сонини ошириб, уларни замонавий, қулай муҳитга айлантириш. Электрон китоблар ва аудиокитобларни тарғиб қилиш, мобил иловалар орқали бепул ёки арзон китоблар тақдим этиш;

— мактабларда китоб ўқишни қизиқарли дарслар, мусобақалар ва лойиҳалар орқали рағбатлантириб, иқтисодий тармоқларда китобхонликни тарғиб қилувчи трендлар (масалан, “kitobchallenge”) яратиш орқали ёшларни жалб қилиш;

— оммавий ахборот воситаларида китобхонликнинг фойдалари ҳақида кўпроқ дастурлар ва реклама кампаниялари олиб бориш. Ота-оналарга болаларда ўқиш одатини шакллантириш бўйича маслаҳатлар бериб бориш;

— китобхонликни рағбатлантириш учун стипендиялар, совринлар ва танловлар сонини ошириш. Китобларни интерактив форматда тақдим этиш. Машҳур шахслар орқали китобхонлик тарғиботига эришиш. Ушбу ёндашувлар орқали китобхонликни нафақат оммалаштириш, балки уни ҳаётий заруратга айлантириш мумкин.

Мадина МИРАЛНОВА,  
Рустамжон ВОХИДОВ,  
Ўзбекистон Миллий университети журналистика ва ўзбек филологияси факультети талабаси.

СИЙРАТ

# БУЛОҚ СУВИДАЙ ТИНИҚ ИЖОД



Кўлимда бундан қирқ икки йил аввал бошланган альбом. Ундаги турли матбуот нашрларидан кесиб олиб, ёпиштирилган шеърларнинг эълон қилинган санасига кўз ташлайман. Ўқишга киришаман.

Мана, шоирнинг Нарпай тумани "Пахтакор овози" газетасида чоп этилган илк шеъри "Интилиш"дан бир парча:

*Кувноқ чехралар-у, меҳнаткаш халқим  
Олга интиллоқда, мен ҳам шошаман.  
Манзилим кўп йироқ, яна ким билар,  
Етиш учун қанча доvon ошаман.*

Албатта, ҳар бир кўнгли балоғат остонасида турганда шеърга шайдо бўлиши, қалбида соҳир туйғулор бош кўтариб, тонга қадар осмонга, юлдузларга термилиб ётиши жуда табиий.

Юқоридаги шеърий намуна ўша пайтда эндигина ўн саккизга қирган навқирон йигитнинг илк машқи, қораламаси эди, холос. Аммо ушбу соддагина биткилардаёқ муаллиф ижод йўлининг узқилми-ю ёруғ манзилга етиш учун қанчадан-қанча доvon ошиши кераклиги ҳақида сўз юритмоқда. Мухтасар айтганда, бу йўлнинг машаққатини табиий ҳис этмоқда.

Ўша қоралама муаллифи Ўқтам Мирзаёв эндиликда ҳаётда ва ижодда анча доvonларни ошиб, катта тажрибага эга ижодкорга айланди. Тинимсиз изланишлар, меҳнатлар авазига айни кунда аввало журналистик фаолиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Асосийси, у бадий ижодни ҳам бир зум бўлса-да, унутмай, шеърятда ва насрда ҳам тарози палласини баравар тутиб келаётир.

Шоир ижодини бир қур назардан ўтказасак, у кун сайин, йил сайин тадрижий равишда ўсиб, улгайиб борганига гувоҳ бўлаемиз. Менимча, ижодкорнинг бахти ҳам шунда. Муаллифнинг дастлабки "Огоҳ кўнгли" китобиёқ шеърятимизга яна бир ўзига хос истеъдод қилиб келаётганидан дарак берганди. Бегубор болалик, ўсмирлик ва ёшликнинг энг жўшқин дамлари акс этган шеърлар шеърхони ёшликнинг тоза ва мусаффо кўчаларига олиб кетарди.

"Яхши кўнлар қувончи" тўплами шоир қирқ ёшлардан ошганда мухлислар қўлига етиб борди. Китоб унчаллик қалин бўлмаса-да, ижод-

кор шаклланишида муҳим салмоққа эга, назаримда.

*Тўқсон икки томиримда  
Жон тепади бу танда.  
Дунёнинг қай бурчагида  
Ўзбекистон деганда.*

Ўки:

*Имони бут, болажон халқ,  
Ўғиллиман, қизлиман.  
Қаттиқ ердан қақраб чиққан  
Бойчечакман—ўзбекман.*

"Ўзбекистон деганда" номли манзумадан олинган бу сатрлар шоир шиддати-шахти, Ватанга бўлган улкан меҳрини яққол ифодалаб турибди. "Башоратгүй дарвеш ҳақида эртақ", "1919 йил. Зирабулоқ", "Анданган куш қиссаси", "Кўнглим тоғдай юксалди" номли шеърларда узоқ ва яқин ўтмиш манзаралари тасвири воситасида истибоднинг халқимиз бошига солган фожиаси ва истиқлолнинг нақадар улуғ неъмат экани моҳирона таъкидланади.

Ўқтам Мирзаёв шеърларида шиддат билан биргаликда теша тегмаган ташбеҳлар, метафоралар, айниқса, табиатнинг бетакор лавҳалари кўп учрайди. Халқона оҳанглар жарангида биз шоир Самарқанд бахшичилик мактаби сарчашмаларидан баҳраманд бўлибгина қолмай, балки шу мактаб вакилларига қондош эканини ҳам ҳис этаемиз:

*Чиноримсан, деди онам,  
Сен норимсан, деди онам.  
Йиллар ўтиб йўлга кирдим,  
Сен — оримсан, деди онам.*

Ўки:

*Бу тонга қувонч бўлиб порлади қуёш,  
Қушларни бағрига чорлади қуёш,  
Қувончдан бинафша кўзларида ёш,  
Наврўзи оламини ёрлади қуёш.*

Ҳаёт инсонга ҳаммиша ва ҳамма вақт гул тутавермайди. Қувонч ва қайғу мудом эгизак. Зотан, умр йўлларимизнинг ўзи ёруғлик ва қоронғилик, шодлиғи аламлардан иборат. Қалб изтиробларидан дунёга келган сатрларни ўқиб, юрагингиз ачишади:

*Соғинч кўз ёшимдине  
ёки ёмғирми?  
Ўлмак осон, яшаш  
шунча оғирми?  
Кўксимда куйган у  
нима? Бағирми?  
Аллоҳ, берган кунинге  
Энди сабрми?  
Сабрми? Сабрми? Сабрми?*

Кейинги йилларда Ўқтам Мирзаёв насрда ҳам қаламини синаб кўра бошлади. 2012 йилда "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган

қади. Ночор она-болага ёрдам беришга чоғланган Сафарбой отанинг холис ниятини нотўғри тушунган ўғилнинг калтафаҳмлиги туфайли асаблари дош беролмаган Сафарбой ота оламдан ўтади. Адибнинг "Тупроқ ҳиди", "Соврин", "Бобойлар" каби ҳикояларида кўтарилган муаммолар ҳам, асосан, инсонни инсондай яшашга, меҳр-оқибат ва имон-диёнатга даъват этиши билан характерлидир.

Ўқтам акани қирқ йиллар нари-берисидан бўён биламан. Талабалик йилларида ёш ижодкорларнинг "Шуъла" тўғарагида бўлиб ўтган мушоиралар худди кегагидай эсимда. Тў-



"Тупроқ ҳиди" номли китобига жамланган қисса ва ҳикояларини ўқиб, ижодкорнинг бу йўналишда ҳам ишонч билан қалам тебратаетганини кўраемиз.

Китобга киритилган "Вой, отам", "Адашган қисмат" номли қиссалардаги турфа образлар, характерлар ва уларда моддиятнинг ҳамма нарсадан юқори қўйилаётганидан ташвишлини китобхонни мулоҳаза юритишга ундайди. Масалан, "Вой, отам"даги Сафарбой ота, Маҳлиё, Шерали фермерларга меҳрингиз тушиб қолса, Сафарбой отанинг ўғли Носирнинг худбинглиги ва саёз фикрлашидан жаҳлингиз чи-

гарак доим гавжум, аъзолари ҳам кўп эди. Тўғри, унинг барча аъзолари ҳам адабиётда ўз ўрнини топа олмади, албатта. Лекин бугунги кунда ўтиб кетган истеъдодли шоирлар Чори Аваз, Равшан Файз, шунингдек, эндиликда эл таниган шоирлар Зулфия Мўминова, Хол Муҳаммад Ҳасан, Чоршаълиев ҳам шу тўғарақ аъзолари эди. Бизлар ҳафтасига йиғилиб шеърлар ўқир, бир-биримизни аёвсиз ва қизгин, шу билан бирга бегараз танқид, муҳокама қилардик. Адабий давралардаги илқ муносабатларимиз туфайлими ёки туз-насиба қўшилган эканими, 90-йилларда Ўқтам ака билан "Ту-

лисон" журналида ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида, сўнгра "Hurriyat" газетасида бақамти ишлашдик.

Одамнинг аслини билмоқчи бўлсангиз ё бирга яшаб кўр ёки у билан узоқ сафарга чиқ, дейишган машойиҳлар. Жуда тўғри гап. Лекин битта жамоада бирга ишлашиб ҳам инсоннинг қимлигини биллиб олса булар экан. Бир жамоада ишлаган йилларимиз мобайнида Ўқтам аканинг ижодларида камтар, инсонсевар, самимий ва дўстларга ниҳоятда меҳр-оқибатли одам эканига кўп зорам гувоҳ бўлдим. Мустақилликнинг илк йилларидаги мураккабликлар, эврилишлар эсимизда. Айни шу мураккаб ва доғали паллаларда Ўқтам ака матбуотимизнинг энг қайнаган жойи — Миллий ахборот агентлигида ўн йил мобайнида ғайрат-шиқоат ва ҳалоллик билан фаолият кўрсатди. Бу йилларда Ўқтам ака муҳим сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маънавий мавзуларда долзарб ва қизиқарли мақолалар ҳам ёзди. Агентлик муҳбирлари ёзган материалларнинг тахрири ва таҳлили билан ҳам шугулланди. Мухтасар айтганда, мустақилликнинг содиқ бир аскардай астойдил ва матонат билан Ватанга хизмат қилди. Муҳими, у бир зум ҳам фаолиятдан, ҳаракатдан тўхтагани йўқ.

Тақдир тақозоси билан Ўқтам ака ўн йилга яқин "Ўзбекино" миллий агентлигида ҳам масъул вазифада хизмат қилди, сўнгра республикамизнинг нуфузли нашрларидан бири "Hurriyat" мустақил газетаси ва "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" нашрларида бош муҳаррир лавозимида хизмат қилди.

Ўқтам Мирзаёв бугун ижодий фаолиятининг айни гуллаб-яшнаган палласида, қутлуғ етмиш ёшни қоралаб турибди. "Гулистон" журнали бош муҳаррир ўринбосари сифатида фаолият юритмоқда. Энг муҳими, зиммасидаги ишлардан вақт орттириб, шеърят ва наср чашмаларидан бизларни баравар баҳраманд қилаяти. Умид қилаемизки, йилдан-йилга бу чашманинг суви янада тиниқлашиб, янада тотли бўлиб бораверади ва биз мухлисларнинг ташнагимизни қондираверади.

Абдуmajид АЗИМ.

## МЕДИА ҲАФТАЛИК КАРВОНИ — ХОРАЗМДА

1-6

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган "МЕДИА ҲАФТАЛИК" ўз ниҳоясига етди.

Сўнги беш кун мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимиз ахборот маконининг том маънодаги қайноқ марказига — ўзига хос инновацион "медиа-хаб"га айланди. Семинар ва амалий машғулотларга ахборот хизмати (60 дан ортик), худудий ва маҳаллий телеканаллар (80 дан зиёд), босма ва электрон ОАВ (50 дан ошди) вакиллари жалб этилди. Энг катта қисмини эса замонавий трендларга интилувчи 500 дан кўп мобилограф, "SMM" мутахассиси, вайнер ва контент тайёрлашга қизиқувчи ёшлар ташкил этди. Ҳафталаик ҳақидаги илк эълонлардан сўнг унда катнашиш истигади жамоага келиб қўшилганлар сони янада ошди. Натижада худуддаги 700 дан ортик медиа вакиллари битта очиқ мулоқот майдонида жам бўлди.



Республикамизда йилнинг энг йирик ва муҳим таълимий-амалий лойиҳаси — журналистлар, блогерлар ва матбуот котибларини ягона платформада бирлаштирувчи ушбу "Медиа ҳафталик" Хоразм вилоятида ҳам ўз ишини бошлади. 10 апрель кунига қадар бўлиб ўтадиган "Медиа ҳафталик" доирасида стратегик ва кризис коммуникациялар, ахборот олиш ҳуқуқи ва очиқлик стандартлари, контентни "вирус" қиладиган "SMM" стратегиялар, фактчекинг ва фейкларга қарши кураш, сунъий интеллект орқали контент яратиш ва медиада янги имкониятлардан фойдаланиш, аудиторияни ушлаб қолиш ва ўсиш механизми, шахсий бренд ва медиа позиция бўйича реал кейслар асосида тренинглар ўтказилиши кўзда тутилган.

## САМАРҚАНДГА ПРЕСС-ТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Туризм қўмитаси ҳамкорлигида пойтахтлик бир гуруҳ ОАВ вакиллари учун Президентимиз ташаббуси билан қайта бунёд этилган Пайриқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасига пресс-тур ташкил этилди.

Тадбир доирасида журналистлар ва блогерлар дастлаб зиёратгоҳ марказида жойлашган буюк муҳаддис, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратларининг мақбарасини зиёрат қилдилар.



Шунингдек, пресс-тур давомида улар мажмуада амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, зиёратчилар учун яратилган замонавий шароитлар, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис мактаби фаолияти билан яқиндан танишишдилар.

Миллий меросимизни кенг тарғиб этиш ва унинг аҳамиятини жамоатчиликка етказишга қаратилган бундай тадбирлар Уюшма ва Туризм қўмитаси ҳамкорлигида тизимли ўтказиб борилади.

## ТАҲРИРИЯТДА ЗАМОНАВИЙ МЕДИАМАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Самарқандда "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари таҳририяти ҳамда "Zarnews.uz" веб-сайти қошида медиамарказ очилди.

Марказ замонавий медиа ускуналари, юқори сифатли аудио ва видеоёзув воситалари билан жиҳозланган бўлиб, нафақат босма нашрлар, балки рақамли платформалар учун ҳам сифатли контент яратиш имконини беради. Энди таҳририят ходимлари интервью, подкаст, видеорепортаж ва турли медиаойиҳаларни шу ернинг ўзида тайёрлай олади.



Вилоятдаги таниқли журналист ва ҳаваскор ижодкорлар, нуронийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ушбу медиамарказ фаолияти билан танишар экан, ахборотни тезкор, холис ва замонавий форматларда етказишда муҳим ўрин тутушини таъкидладилар.

— Бугунги кунда ахборот майдонида рақобат жуда кучли, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибият мудир Саидаҳмад Усмонов. — Одамлар нафақат тезкор, балки кўп форматли, яъни матн, аудио ва видео ни ўз ичига олган контентни кутади. Бир хабарни турли форматда тақдим этиш орқали унинг таъсирчанлиги ва қамрови бир неча баробарга ошади. Ушбу контент маркази ана шу имкониятларни амалда қўллаш учун жуда қулай платформа. Энг муҳими, бу ерда ёш журналистлар мультимедиа кўникмаларини ҳам ўрганиши мумкин.

## ЖУРНАЛИСТ КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ташаббуси билан Навбахор туманидаги 24 ва 18-умумтаълим мактабларида ҳамда "Армижон" маҳалласида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, "Саломатлик" газетаси муҳаррири Иброҳим Жумаевнинг яқинда нашр этилган "Ҳаёт сўқмоқларидаги излар" деб номланган публицистик китобининг тақдимоти маросими ташкил этилди.

Устоз журналистнинг китоби тақдимотининг бу таълим муассасалари ва маҳаллада ташкил этилиши бежиз эмас. Сабаби у ушбу мактабларда таълим-тарбия олган, шу маҳаллада ўсиб-ўлғайган.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолари иштирокидаги маънавий-маърифий тадбири Уюшманинг вилоят бўлими раиси Отабек Аслонов олиб борди ва фажрий журналист Иброҳим Жумаевнинг ҳаёт йўли ва ижоди, вилоят матбуоти соҳасидаги самарали меҳнати ва ўрни ҳамда давлатимиз томонидан хизматларининг муносиб эътирофи хусусида батафсил тўхталиб ўтди.



Тадбирлар давомида сўзга чиққан журналист ва ижодкорлар Иброҳим Жумаевнинг узоқ йиллик катта ҳаётини ва меҳнат тажрибаси ҳақида илқ фикрларини билдириб, китобидан ўрин олган публицистик очерк ва ҳикоялар, хотира ва хангомалар, ҳамкасблар ва шоғирдлар эҳтироми сифатидаги мақола ва эсселар ҳар бир ўқувчи учун муҳим тарбиявий ва маънавий аҳамиятга эгалигини эътироф этдилар.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

## ИЗҲОР

# Онам — Ҳаётим чироғи

Онам — ҳаётимдаги энг муқаддас, энг азиз инсон. Бу дунёда кимдир мени чин юракдан, бегараз севса, у ҳам бўлса онамдир. Унинг меҳрини сўз билан ифодалаш қийин, чунки онанинг ҳали — чексиз денгиз каби.

Мен халқи кичкина бўлганда, онам мени бағрига босиб, тунлари ухламай чикарди. Чека қишлоқда турганимиз учун ҳам қишда кўчаларимиз лой бўлиб кетарди, юршига қийналардим. Онам жажжи кўлларимдан ушлаб, мактабга олиб боради. Касал бўлсам, ўзи қийналса ҳам менга сездирмасди. Ҳар доим менинг қувончимни ўз қувончидан устун қўярди. Ҳозир онамдан анча узоқ шаҳарда яшайман, нимадандир сиқилсам ёки жоним оғрса, айтмасам ҳам дарров сезади. Энди тушуняпман: оналик меҳри чегара билмас экан. Онамин кўллари оддий қўл эмас: у кўлларда меҳр бор, сабр бор, ҳаёт бор. Онамин кўзларида қарасам, унда бутун умрини бизга бағишлаган аёлни кўраман. У ҳар кун биз учун тинмай меҳнат қилади, лекин ҳеч қачон чарчадим демайди. Баъзида ўзимдан сўрайман: қандай қилиб оналар шунчалик сабрли бўла олади?

Онам менинг устозим ҳамдир. У менга фақат ҳаётини эмас, балки одамийликни, меҳр-шафқатни, сабр қилишни ўргатди. Ҳар бир насихати менинг ҳаёт йўлида чироқ бўлиб ёнади. Афсуски, биз баъзида онамизнинг қадрига етмаймиз. У ёнимизда бор пайтда унинг меҳрини оддий ҳол, ўзи шундай бўлиши керак, деб қабул қиламиз. Аммо бир кун келиб, унинг қанчалик бебаҳо эканини янада чуқурроқ англаймиз...

Мен онами жуда яхши кўраман! Унинг борлиги — менинг энг катта бойлигим. Агар имконим бўлса, унинг ҳар бир қилган яхшилигини минг баробар қайтармоқчи бўламан. Лекин, биламан, она меҳрининг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Онам — менинг дуоларимда, юрагимда, ҳар бир нафасимда. У бор экан, мен бахтлиман.

Зулфия ШОБЕРДИЕВА,  
Алишер Навоий номидаги  
Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети  
4-босқич талабаси.



## ЎҚАМКОРЛИК

Жаҳон тараққийнинг ҳозирги босқичида ҳар бир давлатнинг интеллектуал салоҳияти, аввало, ҳар томонлама билимдон авлод ва уларни шахс сифатида тарбиялаб вояга етказиш учун яратилган имкониятлар билан белгиланмоқда. Шу нуқтаи назардан, таълим тизимига, айниқса, унинг энг асосий ва ҳал қилувчи бўлиши — мактабга таълимга қаратилаётган эътибор ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Зеро, инсоннинг келажақдаги ютуқлари, дунёқарши, муштарак фикрлаши ва жамиятдаги фаол иштироки айнан ҳаётнинг илк босқичида шаклланади.

Сўнги йилларда юртимизнинг мактабга таълим соҳасида аниқ ва туб бурилиш кузатилди. Мактабга таълим давлат сиёсатида устувор йўналишга айлантирилди. Қабул қилинган қарор ва дастурлар натижасида соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, мактабга таълим ташкилотлари сони кескин оширилди, янги давлат ва нодавлат боғчалари ташкил этилди, мавжуд муассасалар модернизация қилинди. Болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси бир неча баробарга оширилиб, давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинди. Мазкур соҳада хусусий сектор иштирокининг кенгайтирилиши натижасида таълим хизматлари бозори ва рақобат муҳити шакллантирилди.

Қадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Замонавий ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, илгор хорижий тажрибалар ўрганилди ва миллий таълим тизимига жорий этилди. Шу билан бирга, рақамли таълим ресурслари, интерактив усуллар ва замонавий платформалар орқали таълим жараёнининг янада самарали ташкил этилиши таъминланди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ва изчил ислохотлар натижасида Ўзбекистон нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКО томонидан мамлакатимиздаги ютуқлар юқори баҳолашнинг юртимизда амалга оширилаётган давлат сиёсати самарадорлигининг яққол далилидир.

ЮНЕСКО томонидан амалга оширилаётган дастурлар сифатли таълимни таъминлаш, маданият ва табиий меросни асраш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ахборот эркинлигини таъминлаш ва миллатлар ўртасида ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашга қаратилган. Бугунги кунда ташкилот дунёнинг деярли барча дав-

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ГЛОБАЛ ИНТЕГРАЦИЯ



латларини бирлаштирган ҳолда глобал муаммолар ечимига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, глобал даражада илгари сурилаётган "Early Childhood Care and Education" дастури доирасида болалар учун хавфсиз, инклюзив ва ривожлантирувчи муҳит яратиш, тарбиячиларнинг касбий салоҳиятини ошириш ва инновацион педагогик технологияларни жорий этиш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Шунингдек, Париж шаҳрида ўтказилган "2026 йилги глобал таълим мониторинги" тадбирларида мамлакатимизнинг мактабга таълимни ривожлантириш, қамров даражасини ошириш ва инновацион ёндашувларни жорий этиш борасидаги тажрибаси илгор намуна сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабга таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтига ЮНЕСКОнинг 2-тоифали институти мақоми берилиши мамлакатимиз учун улкан тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур халқаро ҳамкорлик доирасида амалга қадамлар ҳам изчил давом этмоқда. Хусусан, Мактабга таълим ва мактаб таълими вазир Эъзова Каримова Париж шаҳрида ЮНЕСКО

ташкilotи Бош директори Ҳошим ал-Анани билан учрашув ўтказди. Ушбу мулоқот икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўлидаги муҳим босқич сифатида аҳамият касб этди.

Учрашув доирасида Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида II тоифали "Мактабга таълимни ривожлантириш минтақавий маркази"ни ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур марказ нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақادا мактабга таълимни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва илгор тажрибаларни омалаштиришда муҳим платформага айланиши кутилмоқда.

Музокаралар чоғида ЮНЕСКО Бош директори Ҳошим Ал-Анани Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташкилот билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, давлат раҳбарининг таълим, фан ва маданият соҳаларидаги халқаро ташаббуслари юқори баҳоланди.

Мазкур институтнинг халқаро мақомга эга бўлиши унинг фаолиятини янги босқичга олиб чиқади. Энди муассаса нафақат миллий, балки минтақавий даражада ҳам етакчи марказга ай-

ланади. Бу ерда илмий тадқиқотлар олиб бориш, илгор педагогик технологияларни жорий этиш ва мутахассислар тайёрлаш бўйича кенг имкониятлар яратилади. Бу ҳамкорлик Ўзбекистонлик педагоглар учун янги истиқболларни очади. Улар халқаро стандартлар асосида маляка ошириш, дунё тажрибасини ўрганиш ва ўз билимларини янада бойитиш имконига эга бўладилар. Шу билан бирга, миллий тажрибамиз ҳам халқаро майдонда кенг тарғиб этилади.

лимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, имконияти чекланган болалар учун ҳам тенг шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларида мактабга таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган. Мобил боғчалар, қисқа муддатли гуруҳлар ва инновацион таълим шакллари жорий этилмоқда.

Ушбу соҳадаги ютуқларимизнинг жаҳон минбарларида эътироф этилиши — бу нафа-



Мутахассислар таъкидлашчи, мактабга таълимга киритилган сармоя энг самарали инвестиция ҳисобланади. Чунки бу босқичда боланинг фикрлаш қобилияти, ижтимоий кўникмалари ва шахсий фазилатлари шаклланади. Шу боис ЮНЕСКО томонидан ўйин орқали таълим бериш, ижодий фикрлашни ривожлантириш ва индивидуал ёндашувни таъминлаш каби инновацион усуллар кенг тарғиб этилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам айнан шу тамойиллар асосида таълим жараёни ташкил этилмоқда. Болаларнинг қизиқишлари, қобилиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда замонавий дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Инклюзив таъ-

қат эришилган натижаларнинг баҳоси, балки ривожланиш учун янги имкониятлар эшигини ҳам очади.

ЮНЕСКО билан мактабга таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш борасида олиб борилаётган самарали ҳамкорлик келажақда билимни, кенг дунёқаршли ва рақобатбардош авлодни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Ҳабиб АБДИЕВ,**  
Мактабга таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти проректори.

## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Ҳаётда камтарин инсонлар билан рўбарў келганимда, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг қуйидаги шеърини ёдимга келаверади:

Гарчи шунча мағрур турса ҳам  
Пиёлага эгилар чойнак,  
Шундай экан, манманлик нечун,  
Кибру ҳаво нимага керак?

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам  
Ўтма гурур остонасидан.  
Пиёла инсон шунинг-чун  
Ўлар доим пешонасидан.

Мингбулоқлик таниқли шифокор Эргашали Мусаев ҳам ўзининг камтаринлиги ва самимияти билан эл назарига тушган. Унинг номи тилга олинганда "жуда камтарин инсон-да" деган эътирофни эшитасиз. Назаримда, ушбу мақоланинг ёзилишига ҳам унинг шу фазилати сабабчи бўлди.

Уша кун Наманганда таниқли журналист, Мингбулоқ тумани газетаси бош муҳаррири Қосимжон Акбаров билан Эргашали акани йўқлаб, хонадонига бордик. Ҳамроҳимни кўриб, Эргашали ака хурсанд бўлиб кетди.

— Тошкентдан эски қадрдонингизни олиб келдим, — деди Қосимжон ака хонадон соҳибига юзланиб.

— Журналист укамизни олиб келиб, улуг иш қилибсиз, кейинги пайтларда ёзаётган очеркларини ўқиб, маза қиламан, — деди Эргашали ака. — Эшин бир жойга борганида гапи гапига қовушадиган инсонларнинг хумори тўтиб тураркан. Сиздай ижодкорлар билан суҳбатлашининг завқи бошқача бўлади.

— Энг ширин хотиралар болалик даврларидан қолади, гурунгимизни ёшлигининг ўтган кунлардан бошла-сак, — деб Эргашали акага қарайман.

— Болалигимиз болалиқда ўтма-ган десам ҳам бўлаверади, — деди у. — У пайтларда ҳозиргидек фаровонлик, тўқтин-соқинчилик қайда. Суғумиз меҳнатда ютди. Мактабни журналист бўлиш орзуси билан битаётган 1967 йили эди. Чунки адабиёт фанини жуда яхши кўрадим. Доим китоб ва газеталарни ўқиб борардим. Синф раҳбаримиз Абдулазиз Норкулов домла: "Қайси ўқишга борасан?" деб сўраб қолди. "Журналист бўлмоқчиман", дедим. "Журналистлик обрўли касб, аммо қишлоғимизда бирорта дўхтир йўқ, тиббиёт институтида ўқисанг яхши бўларди, дўхтирлик савоб иш", деди. Физика фанидан дарс берадиган раҳматли Абдулазиз муаллимимиз кўпни кўрган, ақлли инсон. Гапини икки қилмай, Андижон давлат медицина институтига ўқишга қирмоқчи бўлдим. Аммо пулим йўқ эди. Колхозда ишлаган ойлигимни "ўқишга кетса, яхши ишчидан айри-

# "ЖУРНАЛИСТ БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛГАНМАН"

— деди мингбулоқлик таниқли шифокор Эргашали МУСАЕВ



либ қоламан", деган, шекилли, табелчимиз атайлаб ёзиб бермади. Отам эса ўшанда бор-йўғи ўн икки сўм пенсия олاردик. Бир ой кунига беш сўмдан мардикорчилик қилиб, 150 сўм тўплаб, Андижонга бордим. Ўқишга кирдим.

Студентликнинг биринчи йили оғир кечди. 1968 йили 26 декабрь кунни катта қор ёғиб, квартирамизнинг девори ағдарилиб тушди. Бахтимизга, девор ташқари томонга қулабди. Тўртта талаба эрталабга девори йиқилиб очилиб қолган уйда совуқ қотиб тонг оттирдик. Кўрпаларимизни кўтариб, бошқа жой қидириб кетдик. Бешта уйга кирдик. Жой йўқ. Олтинчи уйдан бир кампир чиқиб, мени маҳкам қучоқлаб: "Тирикмисан, ўғлим!" деб йиғлаб юборди. Ўзи ҳам, овози ҳам онамга ўхшар экан, онам тирилиб келибди, деб мен ҳам йиғлаб юбордим. Шу тарзда қанча турдик, билмадим. Ўғли оламдан ўтган экан. Айтишча, мен унга жудаям ўхшар эканман. Менинг онам ҳам бешинчи синфда ўқиётганимда фожиа сабабли оламдан ўтган эди. Она қадрини онасидан эрта ажраганлар яхши билади. Тасодуфим, мўъжизами, Худонинг кароматими, билмадим, шундай қилиб, қиш чикқунича ўша онахонниқанда яшадик. Шундан кейин ҳам уни тез-тез йўқлаб турдим...

Бир кун чўнтагимда 30 тийин пулим қолибди. Ошхонада о бўлсан-да, нон-чой ичиб, овқат емай ўйлангандим. Нариги столда корейс киши мени кузатиб турган экан. "Қаерликсан, нега

овқат емаяпсан?" деб сўраб қолди. Мингбулоқнинг "Гигант" колхозидан эканимни айтдим. "30 тийиним қолибди, стипендиям чиқишига ҳали етти кун бор, уни ҳам еб қўйсак, кейин нима қиламан, деб ўйлабди ўтирибман", дедим. У менга овқат олиб берди. Овқатланиб бўлган: "Орқамдан юр", деб уйига бошлаб борди. Менга ўн сўм пул бериб, бир пайтлар Мингбулоқнинг "Гигант" колхозида яшаганини, у ерликлардан кўп яхшиликлар кўрганини айтди. Пулни олган, йўқ деса ҳам унамай, ҳовлисини супуриб бердим.

Аллоҳнинг меҳрибончилигини қаранг, Тен Владимир Андижондаги Гидролиз заводининг бош инженери бўлиб ишлар экан. Мени кечқурунги сменада ишлайдиган бригадир қилиб ишга олди. Ойига икки юз сўмдан ойлик олиб, бир зумда бой студентга айланган. Отамга ҳам пул бериб турадиган бўлдим. Ҳамишлоқларимнинг яхшиликлари тўғрисида яхшилик кўрдим. "Яхшиликнинг мукофоти яхшилик" деган ҳикмат ижобатини ҳаётимда кўрдим. Институти битирганимча ўша ерда ишладим. Зориқиб қолган курсдошларимга ҳам ёрдам бериб юрдим.

Хуллас, институти аълога битирдим. Домларимиз институтида қолди, илмий иш қилишимни тақлиф қилишди. Аммо иложим йўқ эди. Мингбулоқда кекса отам ёлғиз эди, уларга қарашим керак эди. Тўғри қилган экан-

ман. "Ота рози — Худо рози" дегани ҳақ гап экан. Шундай тақдир бергани учун Аллоҳга шукур. Отамнинг дуолари тўғрисида шу кунларга етдим.

Ўқишни битириб, касалхонада иш бошладим, — дея Эргашали ака ҳикоясини давом эттирди. — Саксон ёшида отамни машина уриб кетиб, касалхонага тушиб қолди. Ҳар кун ҳолидан хабар олгани касалхонага бораман. Ҳошим ака деган яхши бир инсон билан бир палатада ётгандик. У киши отамнинг аҳолини кўриб: "Тезроқ уйлангин", деб менга насиҳат қилди. Молиявий аҳолининг оғирлигини сезган, шекилли: "Пул бериб тураман, уйлан-воласан", деб жиддий гапирди. Эртаси кун икки минг рубль пул узатиб: "Топганимда берасан, бермасанг ҳам розиман", деди. Бу ночор ота-болага Аллоҳимнинг инояти, Ҳошим аканинг катта муруввати бўлганди. У пайтда икки минг катта пул эди. Уша пулга тўй қилиб, Насибaxonга уйланганман. Пешонамга шундай ажойиб турмуш дўртоғи ёзгани учун Аллоҳга шукур дейман. Бир йил ўтмасиданоқ қарздан қутилиб олдим.

Онадан эрта етим қолганим учунми, оиламида аёл кишига эҳтиёжимиз кучли эди. Насибaxonнинг қадами кутлуғ келиб, ишларимиз юришиб кетди. Бирин-кетин тўртта қиз фарзандли бўлдик. Оиламизга кут-баракка кирди. Аммо ҳаёт бир текис кетавермас экан. Оғир синовлар ҳам бор экан. Минг тўқ-қиз юз саксонинчи йили кутилмаганда оғир дардга дучор бўлдим. Қайғуга отиб қолдим. Оёқ-белим оғригидан жоним чиқиб кетай дерди. Бу азобни бошидан кечирган ҳис қила оладим. Қарда тузукроқ дўхтир бор деса, ўша ёққа бордик. Инсоннинг бардоши ме-тиндек мустаҳкам бўлар экан. Тўхтовсиз оғриқларга чидадим. Андижондаги клиниканинг машҳур врачлари ҳам "орқа мия ракиннинг сўнгги босқичига келган, узоғи билан икки ой умри қолган" деб мени касалхонага қабул қилишмади.

Бир томонда оғриқ, бир томонда тўрт қиз билан хотинимнинг ёлғиз қолиб кетиши тинчлик бермасди. Кечалари Худога илтижо қилиб, дардимга шифо сўрадим.

Фарғонада хитойлик дўхтир игна билан даволаётганини эшитиб, умид билан у жойга бордим...

жамлик ҳаловати уфуриб турган бу икки инсонга нигоҳ ташлайман. Қўша қариш бахти шундай бўлса керак.

— Анча илгари бир гуруҳ хитойлик шифокорлар Урта Осиёга келиб игна-терапия усули билан даволашни йўлга қўйишган экан. Шундай шифокорлардан бири Сун Сун Мун Фарғонада қол-либ кетган экан. Бир-икки марта игна муолажасини олган, оғриқ сусайиб, дунё кўзимга чиройлироқ кўринадан бош-ладим, — деб Эргашали ака ҳикоясини давом эттирди. — Доктор бўлганим учунми, Аллоҳ дилига солдим, билмадим, менга меҳр қўйиб қолди. У билан тезда тил топишиб қолдик. Мени ўзига ёрдамчи қилиб олди, даволаш усулларини ўргатди. Уч ой деганда батомон тузалиб кетдим. Пок Парвардигор ғайрий ҳазинасидан шифо бергани, Сун Сун Мун деган ажойиб устозни тортиқ қилгани учун беадад шукур дейман.

Шу тобда бир воқеа ёдимга тушиб кетди. 2000 йили устозим Сун Сун Мунни Москвага Хитой элчихонасига чақирди. Кетаётганида у иккита қовун юборишимни илтимос қилди. У Москвада қовунни Хитойдан келган меҳмонларга сўйиб берибди. Азал-азалдан Мингбулоқ қовунлари жуда ширин бўлади. Шираси тилни ёра-диган қовуннинг бирини еб бўлиш-га, яна бирига қараб, шундай мазали неъматни етиштирган деҳқон хурмати учун улар қовунга таъзим қилишган экан. Инсонийлики, неъматга шукур қилишни қаранг, қойил қолсан-да, киши...

Мана, эллик йилга яқин вақт давомида устоздан ўрганган игна билан даволаш усулини қўллаш оқсидан насибдор бўлдим, ном қозондим. Бугунги кунда нафақат республикамиз вилоятларидан, қўшни республикалардан ҳам беморлар дардига шифо излаб келишмоқда.

Отам раҳматли ҳамшира: "Одамларга яхшилик қилинган, бировнинг ҳақини еманглар, ҳаромдан узоқ юринглар, борига шукур қилиб, йўғида қаноат қилиб яшанглар", деб насиҳат қиларди. Отажоним айтганларига амал қилиб, кам бўлмадим. Тиббий даволаш хизматларим учун доимо бошқаларниқидан арзон нарх белгилайман. Ўзимизда бор яхши нарсаларни бошқаларга илтишимни ўрганганман.

Етим-есирлар, кекса нуронийлардан, ногиронлардан пул олмайман. Беморларнинг дуосида гап қўп. Ҳаётда тас-

дигининг кўп гувоҳи бўлганман.

— Эргашали ака касбидан ҳалол ризқ топан, қобил фарзандлар тарбиялаган, оилани муқаддас билган нуронийларимиздан, — дея Қосимжон ака суҳбатга кўр ташлади. — Бугун ўғиллари Улугбек ва Умиджонлар ота касбини давом эттириб, тиббиёт соҳасида катта ютуқларга эришиб, обрў-эътибор топишмоқда. Тўрт нафар қизларининг ҳаммаси олий маълумотли ўқитувчи. Ҳамма ҳавас қиладиган оила.

— Ота учун фарзанднинг ютуғи катта бахт экан, — деди Эргашали ака. — Уша кун ҳечам ёдимдан чиқмайди. Ўтган йили оғим оғриб, юра олмай ётган эдим. Остонада Улугбек костюм-шимда, кўрағида депутатлик значоғи ва медаль тақиб турибди. Кўзимга кўёшдек бўлиб кўринадан. Қандай ўрнимдан туриб кетганимни билмай қолибман. Маҳкам бағримга босиб, узоқ турдим. Хурсандлигимдан оғим тузалиб қолибди. Қўзимга ёш келди. Ўғлим Улугбек Президентимиз фармони билан "Шўхрат" медали олданди.

Суҳбатдошимга ҳавас билан қараб туриб, ҳар бир отага фарзандларининг қамолтини кўриш насиб этсин деган улуг ниятлар диллимдан айланди.

— Сизни билганлар кўп китоб ўқишинингизни айтишади?

— Ҳа, ёшлигимдан китобсеварман, — деди у. — Ўқиган китобларимнинг саноғи йўқ. Китоб ўқиган киши одамларнинг обиди бўлади деган ҳикматга амал қилдим. Қачон диққат бўлиб қолсан, "Қуръон" ўқийман. Қуръон Нури билан кўнглим ёришади. Ҳозир Акмал Мираваз ўғлининг "Муусулмон учун зарур китоблар", Адҳам Иброҳимнинг "Энг комил инсон" асарларини қайта-қайта ўқишга оdatландим. Суз гаваҳарига харидоримиз. Китобни яхши кўришимни билиб, фарзандларим, набиранларим китоб совға қилишади. Улардан ҳам ўқиган китоблари ҳақида сўраб тураман. Ижодкор бўлиш орзу-сида балогатга етганим учун бўлса керак, шеър ёзиб тураман. "Ҳали кўп яшайсиз", "Шифокорлик туйғуларим", "Фарзандларга етти насиҳат" номли тўпламларим чиққан.

Эргашали ака Мусаев билан суҳбатлашиб, руҳимиз энгил тортиди, маърифатдан, маънавиятдан дарс олгандек бўлдик...

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ,**  
Ўзбекистон Журналистлар уюмчаси аъзоси.



ЭҶТИРОМ

Келгуси йил эрта баҳорда муборак юз ёшини нишонлаш тараддуидидаги Ўзбекистон радиоси ҳақида ўз даврида машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор "Республикамизнинг барча етук ёзувчи-шоирлари ва таниқли журналистлари Ўзбекистон радиоси ва "Қизил Ўзбекистон" (ҳозирги "Ўзбекистон овози" – А.И.) газетасида камол топганлар. Улар ижод-илҳом нуқраларини шу азим даргоҳларнинг сарчашмаларидан ичганлар", деган эди.

Чиндан ҳам бу нури маскан – радиода камол топиб, халқ ёзувчиси ёки халқ шоири мақомига сазовор бўлганлар сон-саноксиз. Ҳамид Фулом, Туроб Тўла, Ҳаким Назир, Шўхрат, Иброҳим Раҳим, Мирмуҳсин, Улмас Умарбеков, Фарҳод Мусажонов, Тохир Малик... Эҳҳе, улар бехисоб. Улар ҳам шу масканда муҳаррирликдан иш бошлаб, радиоэшиттиришларнинг қизқарли, мазмундорлиги ва сифатини оширишга катта ҳисса қўшганлар. Ҳатто 1956 йилнинг 5 ноябрида ташкил этилган Тошкент телестудиясининг ишга туширилишидан бошлаб, ҳозирга қадар радиода яшилган журналистлар, муҳандис ва техник ходимлар телевидениенинг мадакорлари бўлиб келмоқдалар. Ҳозирги пайтда Миллий телерадиокомпания махсуслотларини томошабин ва тингловчиларга манзур этишда ибрат кўрсатаётган йигит-қизларнинг кўпчилиги радионинг нон-тузини татиб тобганлардир.

Электрон оммавий ахборот воситаларининг тўнғичи, уммон сингари бағри кенг Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси боғларида униб-ўсган, бугунги кунда кутлуг саксон ёшини нишонлаётган шоир ва журналист, фольклоршунос ва санъатшунос мутахассис бўлиб танилган Нуриддин Аминжонов ҳам юқорида номлари тилга олинган муътабар инсонлардан биридир. У юртимиз гавҳари Фарғона водийсининг табияти бетакдор, гўзал ва сўлим, қадимий Чуст шаҳрида таваллуд топган. Замоннинг зайли билан ота-она бағрида Чиноз туманидаги Эски Тошкент қишлоғидан доимий макон топди. Йўрғакдаги олти ойлик чақалоқлигидан шу гўшада ўсиб-ўлғайди, мактабга борди, шаҳри азим Тошкентда ўқиди, ижодкорлар ва санъаткорлар сафидан ўрин эгаллади. Лекин, ҳа, лекин одамод боласи киндик қони тўкилган тупроқни барибир қўмсаб турар экан. Нуриддин билан суҳбатлашсангиз, бот-бот она юртини тилга олишдан, унинг мафтункорлиги, қадимийлиги, санъатсевар кишилари ҳақида илиқ ва фахрли сўзларни айтишдан чарчамайди.

— Қадимий ҳунарманд, тиквучи-тўқувчилар, кулол-темирчилар, пичоқсозлар, дўппилари билан машҳур Чуст камина учун ўта қадрлидир. — дея тилидан бол томиб сўзлайди у. — Бу жойдан ислон дини уламо-о авлиёлари ўтган. Унинг тупроғида ҳазрат Маҳдуми Аъзамнинг шоғирдлари Мавлоно Лутфулло Маҳдумнинг, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммадшариф Сўфизода, таниқли шоир Набихон ака Хўжаев — Чустий домланинг, қолаверса, боболарим, момоларимнинг хоқлари эъзоланиб сақланмоқда, — деб фахру ифтихор туюди.

Чуст атрофи денгиз сатҳидан минг-бир минг икки юз метр баланглида жойлашганлиги туфайли ҳам қадим-қадимдан муҳим стратегик аҳамиятга моликлиги, табияти гўзал, ҳавоси мўътадиллиги сабаб тарихдан маълумки, шох ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо 1480 йилда бу шаҳарни ўз қароргоҳига айлантирган.

# ХАЗИНАБОН

## ёки Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин АМИНЖОНОВ ҳақида дил сўзлари



Суратда: Нуриддин Аминжонов чапдан биринчи.

Айни шу чоғда фикрим гўжон уряпти, айтмасам туролмайман. Одамод табииатинг бир бўлаги, ундан ақли зот ўз инъомини олади, илҳомланади, кўриниши-о эсиб турган майингагина шаббодаси ҳам инсонга таъсир қиларкан. Буни Чуст мисолида кўриш мумкин. Бу шаҳар ва унинг атроф ҳудудларидан юртимизга таниш машҳур ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар етишиб чиққан.

Дунё таниган бизнесмен Алишер Усмоновнинг юрти ҳам айнан Чустдир.

Чуст пичоқлари-ю дўппилари дунёга машҳур. Нуриддин Аминжонов шундай хотирлайди:

— Шаҳардаги санъат саройи, коллеж ва мактабларда оталар ва акалар, мумтоз қўшиқ ижрочилари изларидан бориши оруз қилган ёшларни кўриб қувонаман.

Отам деҳқон, онам уй бекаси бўлганлар. Бироқ кўнглимга мусиқа сеҳрини онажонимнинг аллеси муҳраган. Мамнун бўлиб айтманки, волидаи муқаррамам аллани маромига етказар эдиларки, ором олардим, болалик овқим билан жўр бўлардим. Болалигим кўшимиз, икки марта Социалистик Меҳнат Қахрамони, собиқ Ленин мукофотининг совридорини Турсуной опа Охунова бошлқ бригада даласида ўтган. Шўху шодон қўшиқлар айтардим, билганимча шеърлар ёзиб, онамга қўрсатардим. Опанинг пахта даласида яғана, чопиқ, чеканка, пахта териб, кўрак чувиб жонга тегиб меҳнатда тоблангач, Тошкентдаги полиграфия билим юртига ўқишга кирдим. Бах-

тимга республика ҳунар-техника билим юртига санъат саройи қошида ҳаваскорлар ансамбли очилди қолди. Бу ерда Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Раҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор, созанда Мамадазиз Ниёзовга шогирд тушиб, кўп нарсаларни ўргандим ва шу ердан "Ўзбек ашула ва рақс катта ансамбли" (ҳозирги "Ўзбекистон") дастасига хонанда бўлиб ишга ўтдим. Лекин бундан ҳам кўнглим тўлмади, фикр-ёдим ўқиб, олий маълумот олиш, журналист бўлишга эди. Мақсадимга 1967 йили эришдим, ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультети кечки бўлимига ўқишга кирдим. Ўқиш даврида ҳам университет қошида "Дилнавоз" номли талабалар ҳаваскорлик ансамблини тузиб, унга раҳбарлик қилдим. Ва ниҳоят, 1972 йилнинг бошидан Ўзбекистон радиосида фаолиятим бошланди. Мана, 54 йилдири, шу нури маскан "дастери"ман.

Дарҳақиқат, Нуриддин Аминжонов жамоа сафига қўшилиб илк қадам қўйган кезлари камина алпақча бу масканнинг оқ-қорасини анча кўрган, аччиқ-чўққ сувларидан баҳраманд бўлиб кўзим очилган эди. Биз ишлаган ўша йиллари радио жамоаси ўта аҳил, бир-бирининг ишидан, оиласидан хабардор, тўй-ҳашамларини биргаликда ўтказадиган, ҳавас қилса бўладиган даражада эди. Нуриддин эса радиочилар ўртасида ўзининг олжаноб ишлари билан тезда танилди, узаро ўтиришлар, тўйлар унингсиз ўтмас, атрофига ёш хонандани созандаларни олиб

йиғинларни гуллатарди. Шу билан бирга радиода "Бадий ҳаваскорлик бўлими"га бошчилик қилиб, республикамиз шаҳар ва қишлоқларидан ҳаваскор хонандаларни излашдан ҳам чарчамади. Ҳаваскор ёшлар сафини кенгайтириб, уларнинг ижодларига алоҳида эътибор қаратди, талабчанликни ҳам суъайтирмади. Бирор кун бирор янгилик қилмасдан туролмасди. Янги овозларни кашф қилиш учун "Танишинг, янги овозлар", "Санъат саодатимдир", "Қўшиқ — орзум менинг", "Чашма" сингари радио кўрик-танловларини ўтказди. Кўплаб иқтидорлар барқ уриб, элга танилди. Ака-ўка Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобов, Юлдуз Усмонова, Эркин Рўзметов, Раҳматжон Қурбонов, Санобар Раҳмонова, Равшан Комиллов, Тожибар Азизова, Озода Нурсаидова ва бошқа истеъодлар Нуриддин Аминжонов томонидан ўтказилган кўрик-танловлар туфайли элга танилди, Ўзбекистон халқ ҳофиси, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонларига сазовор бўлишди.

Н.Аминжонов ташкилотчилик ва ижодий ишлар билан радиоэшиттиришлар тайёрлашлари ҳам алоҳида эътибор беради. Улар билан дўстона муносабатда бўлади, қўлидан келганича ёрдам кўрсатади, ҳатто уларни жозибали қўшиқлар куйлашга ундайди. Ўзбекистон санъат ва маданият институти миллий қўшиқчилик кафедрасининг профессори, хушовоз хонанда Мансуржон Мамиров Нуриддин Аминжонов раҳбарлигида ёнма-ён ва баҳамжиҳат бўлиб ишлади, салмоқли эшиттиришлар тайёрлади, ёш ҳаваскорларнинг кашф этилишига ҳисса қўшди. Устозини хурматлайди ва ҳануз маслаҳат олиб иш қилади.

— Устознинг босиб ўтган йўли жуда мураккаб бўлса-да, эл орасида оддий бир инсон сифатида яшаб келмоқда, — деди Мансуржон Мамиров. — Ўзбекистон радиоси остонасида кеча-ю кундуз умрини бесамав ўтказмади. Ҳаваскор хонандалар, халқ ансамбллари, фольклор гуруҳларини кашф этди. Ҳозирги кўпгина хонандалар устозимизнинг хизматлари авазига элга манзур бўлди.

Республиканинг турли ҳудудларида бахшилардан дostonларни магнит тасмаларига ёзиб олганликлари, монтаж қилиб, эфирга узатилганлигига гувоҳиман.

...1980 йил. Нуриддин Аминжонов бошлқ бўлимининг иш кўлами беқиёс ошди. Яна бир янгиликка қўл уриш вақти келди. Вақтни ганимат санаган ижодкор раҳбарият олдига бўлим номини "Халқ ижодиёти" номи билан аташ, ходимлар ўрнини кўпайтириш, қалам ҳақи ва техника тазминоти тўғрисидаги талабномалар қўйди. Унинг режалари маъқулланиб, бўлим ишига оқ йўл тиланди. Режага кўра фольклор жамоалари ҳамда бахшилар билан ишлаш бош вазифа қилиб қўйилди, қалбидаги мақсад рўёбга чиқа бошлади. Юртимизнинг жанубий ҳудудларида гоҳо яёв, гоҳо юк машинасида ёки кўча овоз ёзиш ускуналари ўрнатилган автомашинада тинимсиз кезди.

Натижа яхши бўлди, изланишлар ўз самарасини берди. Юртимизнинг ўттизга яқин бахшиларини топиб, уларнинг дoston, терма ҳамда дўмбира куйларини магнит тасмаларига муҳралади.

"Қалб наволари", "Бахшилар куйлаганда" кейинчалик "Азим дарё" номли эшиттиришлар тайёрланди ва тингловчилар ҳўқмига ҳавола этилди. "Бахшилар баёти" номли дастур тайёрланиб, дostonсеварларнинг эътирофларини қозонди. Бу дастур ҳозиргача эфирга бериб борилмоқда.

Н.Аминжонов радиода ишни муҳаррирликдан бошлаб, катта муҳаррир, бўлим бошлиғи, бош муҳаррир лавозимларида салкам қирқ йил ишлаб, пенсия ёшига етганида ҳам бахшилар билан ижодий ҳамкорликни давом эттирди. У фестивал ва кўрик-танловларда ҳакамлар ҳайъати аъзоси бўлди. Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик марказида Абдуназар Паёнов ижросидаги "Гўрўглининг туғилиши ва усмирлиги", "Санам ва Гавҳар", "Олтин қовоқ", Бойқўчқор бахшининг "Интизор", "Оломон билан Қорамон", Отахон Матёқубовнинг "Чамбил камали", "Авазининг уйланиши", Шомурод бахши Тоғаевнинг "Апсар дев мианган Гупсар дев", Умаркул Пулканнинг "Жумакул билан Тожинорой", Қодир бахшининг қобилияга бағишлаб "Қодир бахши Раҳимов ҳақида хотиралар" сингари манзумалар тайёрлади, дostonларни ёзиб олди.

2019 йилнинг апрель ойида Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали иштирокчиларига шахсий архивида сақланиб келинган 31 та дostonни "МРЗ" форматда диск устига бахшиларнинг расмини тушириб тўёна қилганлигини айтмайсизми?! Бундай эзгу иш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. У тўлган барча дoston, терма ва парчаларни Ўзбекистон радиоси "Олтин фонди"дан ташқари Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг фольклор архивига топширилгани ҳам эътирофга лойиқ.

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаларининг аъзоси Н.Аминжоновнинг ўчмас хизматлари муносиб баҳоланиб келинмоқда. 2016 йили Ўзбекистон Президентининг фармони билан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони берилди. 2020 йилда "Маданият ва санъат фидокори", 2022 йилда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги", 2023 йили I даражали "Меҳнат фахрийси" кўрак нишонлари билан тақдирланди.

Н.Аминжонов ўз фаолиятини Ўзбек миллий мақом санъати марказининг "Устоз-шогирд мактаби"да давом эттирмоқда. Унга мақом ижросининг билимдонлари ҳам ҳамкорлик қилишмоқда. Сўзимизни санъатшунос олим, профессор Соёибжон Бегматов фикрлари билан ниҳояланиш лозим топдик:

"Эҳҳе, устознинг ёзган китоблари, тўлган хазиналари — дoston, терма, лапарлари ҳақида гапираман десангиз, йиллар керак. Устоз ўзбек санъатининг фидойиси, расман халқ ва мумтоз мусиқамиз меросининг ҳақиқий энасабони, десам адашмаган бўламан. Бу бежиз эмас. Бунинг заминида Нуриддин аканинг бир умр санъат уммонига олиб борган фаолиятининг самараси ётибди. Қолаверса, бу уйғуланиннг негизида созанда, хонанда, муҳаррир, педагог, шоирлик каби касбларнинг гўзал уйғунлашган махсули ўрин олгандир".

Абдусамад ИСОКОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

# ҚАЛТИС ҲАЗИЛ

## ёхуд болаларни кўрқитмайлик!

Ҳаммада болаликдан қолган бир "ёмон хотира" бўлади. Кимдир вақт ўтган сари унут бўлиб кетса, кимдир руҳий жароҳат бўлиб, бир умрга муҳралиб қолади, афсуски. Самандар бугун катта қўтқарувчи бўлса-да, болаликдаги айрим хотираларини унут олмас, шу сабаб лифтада ёки уйда ёлғиз қулфланиб қолган болалар ҳақида хабар топгудек бўлса, ёшликдаги "мен"ини қўтқаргани чопандай ошиқар эди.



Болалигида ота-онаси устидан доим қулфлаб кетар, тўрт девор ичида ёлғиз ўйнаб, бориб-бориб, ёпиқ жойларда ичи сиқиладиган бўлиб улғайди. Илмий тилда олимлар буни

"клаустрофобия" деб атар экан. Аммо қўтқарувчи бўлиб иш бошлаганидан сўнг бу "касали" бир қадар чекинди.

Навбатчилик қисмидаги одатий кунларнинг бирида у жамоада ўтган навбатчиликдаги қаққурув тафсилотлари ҳақида суҳбатлашар эди. Гурунг айни авжига чиққан маҳал ҳаммининг эътибори бирдан эшикка қадалди. Ҳамма бир зум нима ҳақида гаплашяётганини унутгандай эшик олдида турган муҳбир қизга нигоҳларини қадаб турарди. Муҳбир қизнинг мудаоси қўтқарувчилардан қўтқарув воқеалари ҳақида маълумот олиб, ҳўқоялар ёзиш. Қизни суҳбатга тортиш учунми ё ўз меҳнатини кўрсатиш учун, ҳар қалай, ҳамма бирдан катта қизиқиш билан муҳбирни ураб олиб, ўт ўчирувчилар суҳбатга ўт қалаб кетишди.

— Менинг ҳўқоямни ёзинг, мен кўп ёнғинга чиққанман!  
— Ёнғинга чиқиш одатий ҳол, сен ҳали одам қўтқармагансан, мен эса қўтқарганман, мендан интервью олинг!

— Мен ўтган сафарни навбатчиликда чиққан қаққурувда томдаги ўтнинг қўшини уй томига ўтиб кетишининг олдини олдим, одам ҳам қўтқардим...

Қўтқарувчиларни суҳбатга чорласангиз, кун якунига етса етадики, суҳбат якунига етмайди. Чунки уларнинг айтадиган гапи кўп. Ҳар бир қўтқарувчининг ўз ҳўқояси бор. Масалан, Самандар ишлаётган қўтқарув қисмида 56 та қўтқарувчи бўлса, камиди 56 та ҳўқоя бор дегани. Дарҳақиқат, Самандар суҳбатга қўшилмай, четда қараб турар эди. Шу пайт муҳбир қиз жим турган вулқонга тегма, мақолига тескари амал қилган ҳолда уни суҳбатга торта кетди:

— Менга сизнинг суҳбатингиз қизиқ. Ҳозир шерингизга ҳўқоя қилиб бераётганингиз-ку. Мени ўша шерингизга деб тасаввур қилиб айтиб беринг, илтимос!

— Мен чиққан бу қўтқарув ёнғин ҳўқоялари каби ваҳимали эмас. Сизга қандай ҳўқоя керак ўзи? Балки, шунга мос бошқа воқеа айтиб берарман, — дея каловланди Самандар.

— Менга яхши ҳўқоялар керак.  
— Қўтқарувчида яхши ҳўқоя бўлмайди. Доим ҳавф, талафот, баъзан ярадорлар, баъзан ўлиқлар билан юзма-юз



келади. Бунинг нимаси яхши?

— Ўша ҳавфини бартараф этиб, талафотни камайтирганининг ўзида ҳам бир олам яхшилик бор... Айтиб берайсизми? — муҳбир қизнинг шаштидан қайтмас феълини кузатиб, Самандар чўқур нафас олди. Охишта бош силкиб, тасдиқ ишорасини берди-да, ним табассум билан ҳўқоясини бошлади:

— Аввалги навбатчиликда кўп қаватли хонадонларга уй ичида қулфланиб қолган болани қўтқаришга чиқдим. Бола йиғласа, унинг онаси доим: "Йиғлама, ҳозир устидан қулфлаб кетаман, бўлмаса, бўри еб кетади сени!" деб ҳазиллашиб койир экан. Гўдақина бунга ишониб, доим йиғлашдан тўхтаркан. Кунлардан бир кун бола ҳали уйғонмаган маҳал она кўчадаги ишларини дарровгина битириб келаман деб уйни қулфлаб, кўчага чиқиб кетган. Бола уйғонса, она йўқ, эшик қулф. Саросимга тушиб, йиғлаб бошлаган. Она ишларини битириб уйга қайтса, ичкарида боласи чинқириб йиғлаётган экан. У шошилганидан эшикка қадалган калитни синдириб қўйган. Калитнинг ярми қўлида, ярми қулф ичида тикилиб, эшик очилмай қолган. Натижада аёл қўтқарувчиларга, яъни бизга мурожаат қилишига тўғри келган. Биз дарҳол манзилга етиб бориб, эшикни очиб, болани ичкаридан олиб чиқиб, онасига топширдик. Болақайнинг кўзчалари шишиб кетган, йиғлаб туриб, онасига талинар экан: "Бошқа йиғламайман, мени бўриларга берманг!" дея қалтираб қолди. Катталар болалар билан бундай қалтис ҳазиллашмасликларини сўраб қолар эдим. Бундай қалтис ҳазиллар менинг ҳам бошимдан ўтган ва бунинг асорати йўқолишига йиллар керак бўлган... Шу.

— Раҳмат. Болалар ҳавфсизлиги борасидаги ҳавотир ёнғинниқидан кам эмас. Муваффақиятли қўтқарувларингиз бардавом бўлсин.

Қўтқарувчилар муҳбир қизнинг ортидан кузата туриб, кейинги гал келганида қайси воқеани айтиб беришларини муҳокама қилишга киришиб кетишди...

Қўтқарувчининг ҳўқоясини журналист Юлдуз ЎРМОҢОВА оқса кўчирди.

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

